Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 186 (20. 154) • 1988 йил 14 август, • якшанба • Баҳоси 3 тийин.

Пахтакор ўртоқлар!

● Сизнинг шу кунлардаги бош вазифангиз — ғўза парваришини тобора кучайтириб, пайкалларни бегона ўтлардан тозалашдан, зараркунандаларга қарши курашни ва қатор ораларга оби-тобида ишлов беришни жадал давом эттиришдан иборат.

● Олдинда муҳим агротехник тадбир — ғўза дефолиацияси турибди. Шуни ёдда тутингки, бу йил 7 мингдан ортиқ ер усти аппаратлари, 242 самолёт ва вертолётлар унумли ишлатилиб, 1 миллион гектардан зиёд ғўза майдонларида ўсимлик барги тўктирилиши кўзда тутилган. Ана шу ишни сентябрь ойи бошларидаёқ тугаллашга эришайлик!

● Гулистон, Оққўрғон, Иштихон, Комсомол, Хўжайли, Олтиариқ районларидаги мавжуд терим техникаси воситаларининг ҳар тўрттасидан бири мавсумга тахт эмаслиги — ўта хотиржамлик ва масъулиятсизликдан бошқа нарса эмас.

Техника теримга шай бўлсин!

●Дала меҳнаткашларига қулай иш ва турмуш шароити яратиб бериш — ҳар бир раҳбар ҳамда мутахассиснинг долзарб юмуши бўлмоғи лозим.

Парваришни кучайтириб, терим мавсумига пухта ҳозирланайлик!

КОММУНИСТ — ҚАЙТА ҚУРИШ ЖАНГЧИСИ

«Ҳозир ҳар бир коммунист ўзидан партия XIX конференцияси белгилаб берган режаларни амалга оширши учун шахсан нима қилянпман, ҳаммамиз ҳам қайта қуриш юзасидан қўйилган вазифаларни бажариш учун бутун кучимизни, билим ва тажрибамизни тўла сарфлаяпмизми, коллективдаги барча мавжуд резервлар ишга солинганми, деб қаттиқ талабчанлик билан сўрайдиган вақт келди», деди куни-кеча бўлиб ўтган партия йиғилишида Наманган машинасозлик заводининг бригада бошлиғи И. Охунов. Бундай фикр ва мулоҳазалар КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси резолюциялари билан чуқур танишиб, ўзининг бундан кейинги режаларини белгилаб олаётган барча коммунистларнинг амалий ишларида акс этиб турибди.

И. Охунов бошлиқ йигув цехининг пайвандчилар бригадаси корхонанинг энг илғор коллективларидан бири. Бу ерда ҳар бир ишчи фақат ўз иши учунгина эмас, бутун бригаданинг иши, муваффақияти учун ҳам жавоб беради. Коммунистларнинг эса ҳар бир соҳада ишбошлиқ қилиши одат бўлиб қолган.

Республикамиз меҳнат коллективларидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Уларнинг сони тобора кўпайиб боряпти. Шундай бўлиши табиий. Чунки қайта қуриш ва янгиланиш даврининг ўзи шундай. У ҳар бир коммунистдан қаттиқ имтиҳон оляпти. Бу имтиҳон партия аъзосининг ўз бурчига қандай муносабатда бўлаётганини, янги шароитда қай даражада ижодий ишлаётганини, ғайрат-шижоатини акс эттирадиган жиддий кўрик бўляпти.

Коммунист номи — шарафли ном. Бу ном ҳеч қандай алоҳида имтиёз бермаганн ҳолда, унга бошқаларга нисбатан каттароқ талаблар қўяди. Бутуниттифоқ конференцияси партия аъзосининг масъулиятли вазифаларини янада кўпайтирди. Бугун ундан сиёсий жангчи, жамиятнинг авангард кучи сифатида бутун қобилиятини чуқурроқ намоён этиш, қайта қуриш ва жадаллаштиришнинг олдинги сафларида бориш талаб этилади.

Партия ташкилотлари, коммунистлар энг кўп куч сарфлайдиган соҳа — экономика бўлиб қолди. Бу соҳа кейинги даврда ғоят мураккаблашиб кетди. Ун иккинчи беш йиллик ишлаб чиқаришда чуқур сифат ўзгаришлари ясалаётган давр бўлиб қолди. Ўзгаришлар эса ўз-ўзидан рўёбга чиқавермайди. Партия конференцияси ҳамма кўникиб кетган, одат бўлиб қолган тасаввур ва тушунчаларга, дудмол қарорларга суяниб иш тутишни қатъиян қоралади. Коммунистлар ишга янги, жадал суръат ва сифат киритиш, эришилган ютуқларни ҳамда олдга турган вазифаларни тўғри баҳолаш, уюшқоқлик, тартиб ва интизомни мустаҳкамлашга даъват этилдилар.

Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришга энг кўп ҳисса қўшиш партия аъзосининг бурчидир. Бу — КПСС Устави талабларидан бири. Партия конференциясида ана шу талаб янада қатъийроқ қилиб қўйилди. Бундай ҳисса қўшишга эса осонлик билан эришиб бўлмайди. Меҳнатда фидокорлик намуналарини кўрсатиш коммунистнинг вазифаси экан, у ўзига билдирилган ишончни сидқидиллик билан оқлаши лозим. Зеро, партиянинг кучи — коммунистнинг ташаббускорлиги, ибратли ва интизомлилигидадир. Бу фазилатлар эса унинг социалистик мулкни қандай сақлаётгани ва кўпайтираётганн, ишлаб чиқариш самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот сифатини оширишга қандай ҳисса қўшаётгани билан чамбарчас боғланган. Партия аъзоси замонавий фан ютуқлари, техника ва илғор тажрибани қунт билан ўзлаштирса, тажриба ва малакасини мунтазам ошириб борса, коллективда юзага келаётган барча янгиликларнинг бошловчиси бўлса пировард натижалар ҳам янада салмоқли бўлиб бораверади.

Коммунист шон-шуҳрат орттириш, мақтовлар эшитиш учун ишламайди. «Машъаллик касаллиги» — унинг учун бегона. Аксинча партия аъзоси ўртоқлари, бутун коллектив эришган муваффақиятларни ўз ютуғи синтари қадрлайди. Тажрибасини бошқалар билан баҳам кўриш, шахсий манфаатнинг коллектив манфаатидан устун қўяётган шахсларнинг аниқланиши уйғотиш, турғунлик, хўжакўрсинлик, кўзбўямачилик ва қўшиб ёзиш каби иллатларни, уларни вужудга келтираётган сабабларни таг-томири билан йўқотиш коммунист учун табиий ва моҳияти жиҳатидан доимий вазифадир. Нуқсонларга, қийинчиликларга дуч келиб қолганда уни йўқотишни бошқаларнинг зиммасига юклаб қўйиш, масалани принципиаллик билан узил-кесил ҳал этиш зарур бўлганида ортиқча сипогарчилик қилиш — коммунистга ёт нарса.

Жадаллаштириш партия аъзосининг кўп йиллик иш программасини белгилаб берди. Аммо ўсиш суръатлари ва маҳсулот сифатини оширишга ҳозирданоқ эришиш лозим. Бунинг учун резервлар етарли. Ҳамма гап — ўз корхона ва ташкилотининг том маънодаги хўжайини эканлигини амалда исботлаб, ана шу резервларни ишга солиш учун бутун куч ва имкониятларни сафарбар этишда. Баъзи корхоналарда, колхоз ва совхозларда «ишни қайта қуриб олиш ҳануз бошланган йўқ, шунинг оқибатида планларни бажаришда қийинчиликларга дуч келяпмиз», деган зорланишлар ҳам бўляпти. Масалан, «Ўзбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «СредазНИПИнефть» институти директори А. Степченко, бош инженери В. Домахин коллектив ишини қайта қуришга бош-қош бўлмаяпти. Ишлар пала-партиш олиб борилаётгани сабабли тематик планлар уддаланмай қолмоқда. Лойиҳа ва қидирув ишларида ҳисоб ва ҳисоботлар чалкаштириб юборилаётир. Ўтган икки йилда ишлар нархи 428,5 минг сўм оширнб юборилган. Маъмурият фаолиятини назорат қилиш комиссияси кўп ҳолларда келишувчилик билан муроса қиляпти. Партия ташкилоти эса ўзи қабул қилган қарорларнинг ижросига ҳар доим ҳам эришаётгани йўқ. Самарқанд ҳимия заводи партия ташкилоти корхона ишлаб чиқариши учун коммунистларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилмаётгани бу ерда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш планининг бажарилмаслигига сабаб бўляпти. Корхона 2,2 миллион сўм жарима тўладн. 8,4 миллион сўм даромад олиш ўрнига 6,1 миллион сўм зарар кўрди. Булар аввало коммунистларнинг завод ишлаб чиқаришига лоқайдлик билан муносабатда бўлаётганн оқибатидир. Партия ташкилоти, коммунистлар нимаиндир кутиб ўтиришибди. Эски касаллик — кўрсатма кутиш иллати таъсиридан ҳамон қутила олмаётган бундай партия ташкилотлари республикада ҳали кўп. Ўртоқ М. С. Горбачев партия конференциясида қилган докладида ана шундай воқеаларни назарда тутиб: «Ҳозир ҳар биримиздан қайта қуриш вазифаларини амалга ошириш соҳасида иш қилиш, реал ҳаракатни амалга ошириш талаб этилади. Бугунги кунда коммунистларнинг авангардлик роли иш билан исботланиши керак», деб жуда тўғри гапирди. Ҳа, вақтни йўқотмай, коммунистларнинг ўзларн бутун коллективда ишни қайта қуриб олишга дарҳол киришишлари лозим.

Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида ана шундай қилинди. Техника билан қайта қуролланиш кун тартибидаги долзарб вазифа бўлиб қолганида, партия комитети барча ишчиларга, инженер-техник ходимларга ишлаб чиқаришни ўз кучлари билан модернизация қилиш юзасидан таклиф киритишни илтимос қилди. Партия группалари, цех партия ташкилотлари иши фаоллаштирилди. Машина-ускуналарнинг қайтими сезиларли даражада ошди, кўпгина хом ашё, материал ва электр энергияси тежаб қолинияпти.

Қайта қуриш ва жадаллаштириш йўлини амалга оширишда коммунист раҳбарларнинг роли айниқса катта. Бу соҳада дадиллик билан ишлаётганлар кўп. Аммо, рўёбга чиқариб бўлмайдиган турли хил режаларни тузиб, нималариндир кутаётган ёки ўзини қайта қуриш тарафдори қилиб кўрсатганн билан амалда қўлини совуқ сувга урмаётган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Партия ташкилотлари мавқеи ва лавозимидан қатъи назар, уларни қаттиқ терташ ва талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Ишнинг пировард натижаси учун партия ташкилоти олдида ҳар бир коммунистнинг масъулиятини ошириш керак.

Партия конференциясида партия ташкилотининг жанговарлигини оширишга ҳар бир коммунист масъул эканлиги алоҳида таъкидланди, партия сафларининг ўзига хос кўригини ўтказиш ҳақидаги масала олга сурилди, коммунистларнинг ижтимоий-сиёсий аттестациясини ўтказиш фикри айтилди. Ҳозир республикамиздаги барча бошланғич партия ташкилотларида бўлаётган жанговарлик кўриги ҳам коммунистларнинг, партия ташкилотларининг ишни қайта қуриб олишини таъминлаётган энг таъсирчан формаларидан бири бўляпти. Сайланган комиссиялар ҳар бир коммунист билан суҳбат ўтказиб, уларнинг ўз иши, партия ташкилоти фаолиятини янада жонлантириш, қайта қуриш йўлида дуч келинаётган айрим муаммоларни ҳал этиш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни, таклифларини эшитди. «Кўрикнинг биринчи босқичида биз бутун эътиборни коммунистларга қаратдик, — деб ёзади Жомбой район партия комитетининг иккинчи секретари В. Стерехов. — Агар коммунистнинг фаоллиги ошса, демак партия ташкилоти ҳам ҳаракатга келади. Ҳозир кўрикнинг иккинчи босқичи бошланди. Улугбек номли, «Ғалабанинг 30 йиллиги» совхозлари, 2507-автокорхона партия ташкилотларида бу босқич коммунистлар билдирган таклифларнинг ижроси босқичи бўляпти».

Конференция қарорларини амалга оширишда коммунистларни ғоявий ва маънавий чиниқтириш, кадрлар билан ишлашни ҳозирги талаблар асосида қайта қуриш, дабдабабозлик, сўзамоллик, партиявий-сиёсий ишларга идоравий-бюрократик ёндашиш каби иллатларга қаршн қаттиқ кураш олиб боришга эътибор билан қараш талаб этилади. Ишнинг ҳақиқий аҳволини бўяб кўрсатадиган ва ҳатто давлатни алдаётган кишиларга В. И. Ленининнинг ёлғон гап ва мақтанчоқлик маънавий ҳалокатдир, сиёсий ҳалокатнинг муқаррар шартидир, деган сўзларини эслатиб қўйиш жоиз.

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг агар партия ташкилоти ўз вазифасини оғишмай амалга оширадиган бўлса, агар коммунистлар амалий иш билан машғул бўлсалар муваффақият таъминланади, деган хулосаси нақадар тўғри эканлигини кундалик ҳаёт яқол кўрсатиб турибди. Коммунистларнинг куч-ғайрати билан ҳар бир партия ташкилотида эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, қайта қуришни чуқурлаштириш руҳи қарор топтирилиши зарур. Партия конференцияси резолюциясида таъкидланганидек, уларни партия комитетлари фаолиятига, партия н-ки демократиясини ривожлантиришга, халқнинг ўз-ўзини социалистик бошқарувини қарор топтиришга яқиндан жалб этиш ва авангардлигини таъминлаш лозим. Ҳар бир коммунист қайта қуриш, жамиятимизни революцион ўзгартириш учун курашчи бўлиб қолсин.

Баравж ғўзалар

Пайариқ районидаги Карл Маркс номли колхоз далаларида бўлган кишининг кўзи қувнайди. Гуркираб ривожланаётган ғўзалар мўл ҳосилдан дарак бериб турибди. Ҳар бир тупда шиғил-шиғил гул ва қўсаклар. Деҳқон меҳридан баҳраманд бўлган ниҳоллар кун сайин ҳосилга-ҳосил қўшмоқда.

Айниқса, Суймахон Орзиқулова ва Пардабой Раббимов бошлиқ оилавий звено далаларида мўл ҳосил етилмоқда. Пайкалларда бироита бегона ўт кўринмайди. Экинлар қондириб суғорилган. Айни пайтда парваришни кучайтириб, ҳосил нишоналарини янада кўпайтиришга ҳаракат қилишмоқда.

Бу йил моҳир пахтакорлар етакчилик қилаётган бу звеноларнинг коллективлари ҳосилни асосан техника ёрдамида териб олишни мўлжаллашяпти. Шунинг учун ҳам ғўзалар машинабоп қилиб ўстириляпти. Миришкорларнинг нияти — ҳар гектар майдондан 35-40 центнердан ошириб «оқ олтин» териб олиш.

С. ХОЛИҚУЛОВ.



АГРЕГАТЛАР ШАЙ

Бугунги кунда республикамиз далаларида ғўза парвариши янада авж олдирилмоқда. Август — ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой эканлигини чуқур ҳис қилган миришкорлар бу ишни намунали ташкил этишган. Наманган область, Норин районидаги «Коммунизм» колхози пахтакорлари ҳам бу йил пахтадан мўл ҳосил олиш йўлида пайкаллар самарадорлигини оширишга интилмоқдалар.

Хўжаликда айниқса «зангори кема»ларни ремонт қилиб, старт чизиғига келтириб қўйишга асосий эътибор берилди. Марказий ремонт устахонасида механизаторларнинг унумли ишлаши учун барча зарур шароитлар яратилди. Эҳтиёт қисмлар, асбоб-ускуналар билан таъминланди. Созловчилар ўртасида социалистик мусобақа ташкил этилди. Бу ишларнинг барчаси пировардида яхши самара берди. Хўжаликдаги барча терим техникаси — 16 «зангори кема» тўла ремонтдан чиқарилиб, старт чизиғига келтириб қўйилди. Терим агрегатлари тез ва соз ремонтдан чиқарилишида ўз касбининг моҳир усталари — ремонтчи-слесарлар бригадаси бошлиғи А. Зокиров билан О. Жамоловнинг ҳиссаси катта.

Суратда: А. Зокиров ва О. Жамолов.

В. МОЛГАЧЕВ фотоси.

ПАХТА — АСОСИЙ ЮМУШИМИЗ

Август — ҳар туп ғўзада мўл ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ойдир. Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, ҳозир ҳар туп ғўзада ўртача олтита кўсак пайдо бўлган. Далалар ёнидан ўтганингда экининг авжини кўриб қувонасан киши, лекин бу алдамчи таассуротдир.

Ғўза қатор ораларига киришинг билан деҳқонлар йўл қўйган камчиликлар дарҳол кўзга ташланади. Баъзи жойларда ғўза ғовлаб кетган, чунки ортиқча сув берилган, экинни кўллатиб суғориш ва чанқатиб қўйиш натижасида ҳосил тугунчалари тўкилиб кетмоқда, кўсакларни қишлоқ хўжалик зараркунандалари кемирмоқда. Ҳеч қандай асос бўлмагани ҳолда қатор ораларига ишлов бериш тўхтатиб қўйилмоқда, далалар бегона ўтлардан тозаланмаяпти. Бунинг оқибатида кўпгина пайкалларда ҳар туп ғўзада 1-2 тадан кўсак бор, холос. Ғўзанинг ривожи кечикаётган бундай пайкаллар ҳозир 240 минг гектарни ташкил этади.

Буларнинг ҳаммаси жиддий ташвиш туғдирмоқда. Назоратнинг йўқлиги сабабли ҳосилга ҳосил қўшилмай, аксинча нобуд бўляпти. Бу аввало Андижон, Навоий, Жиззах областларига тааллуқлидир. Муборак, Қорағўзак, Гагарин, Шеробод ва бошқа районларда экинларни парвариш қилиш иши сусайиб кетди. Ҳисоблар шуни кўрсатмоқдаки, 1 сентябрга қадар ҳар туп ғўзада яна тўрттадан кўсак ҳосил бўлишига эришиш керак. Акс ҳолда пахта тайёрлаш планининг бажарилиши хавф остида қолади. Кузда ёғинсочин туфайли ҳосилнинг анчагина қисми нобуд бўлиши мумкинлигини эсда тутиш лозим.

Большевик районидаги «Самарқанд» совхозида, Пискент, Ворошилов, Бухоро ва Навбаҳор районларининг хўжаликларида шу масъулиятли даврда дала ишлари тўхтатиб қўйилди, бегона ўтлар экинни босиб кетмоқда, агротехника қўпол равишда бузилмоқда. Бундай масъулиятсизлик фактлари оз эмас.

Пахта кеч етилишининг олдини олиш учун 20 августдан бошлаб сув беришни камайтириш, 1 сентябрдан эса суғоришни бутунлай тўхтатиш керак.

Ҳозир пахтакорларнинг асосий вазифаси — экинларни парваришлашни кучайтириш, далаларни бегона ўтдан тозалаш, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашишдан иборат.

Олдинда ғўза баргини тўктиришдек ишнинг муҳим босқичи турибди. Бу йил хўжаликларнинг меҳнатчилари ярим миллион гектардан ортиқ майдонда дефолиацияни сентябрь бошларида тугаллашга аҳд қилдилар. Ерда ишлатиладиган етти мингтадан ортиқ аппарат, 242 та самолёт ва вертолёт билан ғўза баргини энг мақбул муддатларда тўктириб, пахта териш техникасига кенг иш фронти яратиш мутлақо реал ишдир. Дефолиантлар ҳам етарли миқдорда ғамлаб қўйилган.

Вақт йиғим-терим техникасини тайёрлашни тугаллашга шошилтирмоқда. Аммо Қорақалпоғистонда, Сирдарё ва Хоразм областларида терим машиналарининг 15—20 процентн ҳали мавсумга шайлаб қўйилмаган. Шуманай районидаги Киров номли, «Комсомол», Меҳнатобод районидаги «Пахтакор», Баҳористон районидаги «Партия XXV съезди», Зарбдор районидаги «Озарбайжон» совхозларида техниканинг деярли ярми мавсумга тахт қилинмаган. Гулистон, Оққўрғон, Иштихон, Комсомол, Хўжайли, Олтиариқ районларида эса ҳар тўрт машинадан бири ҳали далага олиб чиқишга тайёр қилинмаган.

Ҳозир 16700 та пахта теришн машинаси, 30 мингта агрегат мавсумга тахт қилиб қўйилган. Энг муҳим вазифа ҳал қилинмоқда — 1 сентябрга қадар йиғим-терим техникасининг ҳаммаси шай қилиб қўйилиши лозим. Бу йилги мавсумда пахта теримига 39 мингта машина чиқади, бу эса ўтган йилдагидан 5 мингта кўпдир. Бу ҳосилни тез ва сифатли йиғиштириб олиш учун яхши имконият яратади. Бунинг устига машина теримини одатдагидан анча олдин 20—25 сентябрда бошлаш белгиланди.

Пахтани қабул қилиб олиш ва қайта ишлашга тайёргарлик давом этмоқда. 560 та пахта пунктидан 350 таси мавсумга тайёр, 60 та пахта тозалаш заводининг капитал ремонти тугалланди. Ҳамма қабул пунктлари 20 августгача, заводлар эса 25 августгача тайёр бўлиши учун бутун куч-ғайратни сарфлаш зарур.

Пахта етиштириш — асосий юмушимиз, лекин бошқа қишлоқ хўжалик экинларини ҳам унутмаслик керак. Сўнгги кунларда ем-хашак тайёрлаш суръати бирмунча ошди, лекин ўтган йилги даражадан ҳамон орқада қолмоқда. Қорақалпоғистон хўжаликларида ем-хашак тайёрлаш қониқарсиз, улар планни атиги 33 процент, Хоразм области — 37 процент, Навоий области — 39 процент ва Сирдарё области 43 процент бажардилар. Бу республикадаги даражадан анча паст. Ҳолбуки, ҳамма жойда чорва молларнинг тўқ қишловини таъминлаш учун барча имкониятлар бор.

Ўзбекистон, Амударё, Иштихон, Гулистон районларидаги хўжаликлар мавжуд ресурслардан фойдаланишга ғоят масъулиятсизлик билан қарамоқдалар. Бу хўжаликларда беданинг ҳар бир ўрими 25—30 кун давом этмоқда. Бу эса нормадаги муддатлардан икки-уч баравар ортиқ. Кўпгина хўжаликларда беданинг учинчи ўрими шу вақтга қадар тугалланмаган.

Ворошилов, Калинин, Тошкент, Томди районларида ем-хашак тайёрлаш суръатлари ўтган йилдагига нисбатан анча пасайтириб юборилганлигига тоқат қилиб бўлмайди. Фарғона районида бу иш ўз ҳолига ташлаб қўйилди, райондаги тўртта хўжалик бир тонна ҳам ем-хашак ғамлагани йўқ.

Бедапоялар ҳосилдорлигини 140 центнерга етказиш учун беданн яна икки марта ўриб олиш зарур.

Мутахассисларнинг тахмин қилишларича, гектаридан ўртача 44 центнердан ҳосил олинганда, республикамиз бу йил 500 минг тонна маккажўхори дони етиштириши мумкин. Хўжаликлардаги мавжуд техника маккажўхори донини йиғиштириб олишни 20—25 кунда — 10—15 сентябргача тугаллашга имкон беради. Ҳосилнинг чўғи қувончли. Агар олдинги йиллардаги хатолар такрорланмаса, хўжаликларда нобудгарчилик йўлига мустаҳкам гов қўйилса, маккажўхоригорлар ўз сўзларининг устидан чиқадилар.

Бироқ маккажўхори пишиб етилганига қарамай, бир қанча хўжаликлар ўриймйғимга киришмаяптилар. Бундай сусткашлик ҳосилнинг нобуд бўлишига, гектарлар самарасининг камайишига олиб боради. Масалан, Шеробод районида ҳосилдорлик 25 центнерни, Гагарин районида эса 34 центнерни ташкил қилмоқда. Шунга қарамай, бу ерда ўрим-йиғим ишларини кучайтириш чора-тадбирлари кўрилмаяпти.

Шу кунларда далалардаги ишларнинг аҳволи ана шундай. Бу эса чинакамига ташвиш туғдирмоқда. Ҳамма жойда ишни кучайтириш, беш йилликнинг учинчи йили ҳосили учун қийинчилик билан олиб борилаётган курашни муносиб якунлаш лозим.

ТЮМЕНЬ ОБЛАСТИДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

«ХУШ КЕЛИБСИЗ, ДЎСТЛАР!»

ТЮМЕНЬ, 13-август (ЎзТАГ махсус мухбирлари Б. Ҳасанов, И. Хисомов). Ўзбекистон вакиллари республика маданияти кунларида қатнашиш учун Тюмень днёрига келишди. Ҳамма ерда ўзбек ва рус тилларида — «Хуш келибсиз!», «Добро пожаловать, друзья!» деган сўзлар ёзилган транспарантлар кўзга ташланади.

Тюмень шимолидаги навқирон, тез ўсиб бораётган Нягань шаҳри кўчалари ҳам қизил байроқлар ва транспарантлар билан безатилган. Шаҳардаги энг катта «Юность» маданият саройида Ўзбекистон ССР кунларининг тантанали очилиш маросими бўлди. Бу ерга нефть ва газ қазиб олувчилар, бинокорлар келишди. Улар орасида ҳозир шу ўлкада ишлаётган анчагина ўзбекистонликлар ҳам бор.

Ханти-Манси автоном миллий округи халқ депутатлари Совети ижроия комитетининг раиси А. К. Ушаков делегация аъзоларига, маданият кунлари қатнашчиларига табрик сўзи билан мурожаат қилди.

— Бундай учрашувларнинг аҳамияти беқиёсдир, — деб таъкидлади ўз нутқида Нягань шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари В. Ф. Баранов. — Бу учрашувлар Ўзбекистон ва Тюмень области меҳнаткашлари ўртасидаги интернационал алоқаларни мустаҳкамлашга кўмаклашади. Шимолий ўлкамиздаги ажойиб ўзгаришлар кўп жиҳатдан республикангиздан келган кишиларнинг қардошларча ёрдами туфайли рўй берди.

Маданият кунлари очилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. С. Икромов сўзга чиқди. У самимий, дўстона кутиб олганликлари учун сибирликларга миннатдорчилик изҳор этди.

Тошкентлик рассом Э. Мансуровнинг картинаси, ўзбек миллий чолғу асбоблари комплекти, ўзбек совет классик асарлари кутубхонаси шимол шаҳрига совға қилинди.

Ўзбекистон кунларининг тантанали очилиши катта байрам концерти билан ниҳоясига етди. Сибирликлар ҳузурида «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли, А. Навоий номли давлат Катта академик опера ва балет театрининг солистлари, бошқа етакчи ижрочиларимиз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Нягань аҳолиси эртага ўз шаҳарлари кунини нишонлайди. Бу байрамда республикамиз вакиллари ҳам қатнашадилар. Улар программага кўра меҳнат коллективларида учрашувлар ўтказадилар, концертлар берадилар, мамлакат учун жуда зарур бўлган бу ўлкада яшаётган ва оғир шароитларда ишлаётган кўпгина донгдор кишилар билан танишадилар.

ҚУРУВЧИЛАР БАЙРАМИ

Ғоят муҳим социал вазифани бажариш, яъни 2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида шинам квартира билан таъминлаш, экономикани интенсивлаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш вазифасининг ҳал этилиши кўп жиҳатдан қурувчиларга боғлиқ. 13 август куни Тошкентда Қурувчилар кунига бағишланган тантанали йиғилишда шу ҳақда гап борди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Давлат қурилиш комитетининг раиси К. Ҳ. Маҳамадалиевнинг докладида, йиғилиш қатнашчиларининг нутқларида бу муҳим халқ хўжалиги тармоғининг барча бўғинларида хўжалик механизми қайта қурилаётганлиги таъкидланди. Ўнлаб йирик бўлинма тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтди, бу эса капитал маблағларни тезроқ ўзлаштириш, социал-маиший объектлар сифатини яхшилаш имконини берди. Республика қурувчилари Янги Ангрен ГРЭСида, Ўзбекистон металлургия заводида, Чирчиқдаги «Электрохимпром» бирлашмасида янги қувватларни ишга туширдилар.

Шу билан бирга, деб таъкидланди йиғилишда, Ўзбекистон қурувчиларининг кўпминг кишилик коллективи ўз ишининг самарадорлигини оширишда туб ўзгаришга эришиш, қурилиш ишлари узоқ давом этишига чек қўйиш, фойдаланишга топширилаётган объектлар сифатини кескин яхшилаш учун ҳали кўп иш қилишларига тўғри келади. Кўпгина корхоналар реконструкциялаш ва техника билан қайта жиҳозлашга муҳтожлиги сабабли қурилиш индустриясининг базасини мустаҳкамлаш тўғрисида йиғилишда алоҳида гап борди.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ГУЛИСТОН, 13 август. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Сирдарё область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари область партия комитетининг аъзоси, область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Ғ. Б. Ҳасановнинг КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил июль Пленуми қарорлари асосида областда аҳолини халқ истеъмоли моллари, хизматлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботини тингладилар.

Область партия ташкилоти активлари йиғилишининг ўрта ва олий мактаб ишини қайта қуриш тўғрисидаги қарори қандай бажарилаётганлиги ҳам муҳокама қилинди.

• Эртага — Ҳиндистон мустақиллиги куни

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

1947 йилнинг 15 августида Деҳлидаги Қизил форт устида Ҳиндистоннинг зарғалдоқ — оқ яшил миллий байроғи ҳилпираб, ана шу қадимий мамлакат тарихида янги даврни бошлаб берди. Ушанда Жавоҳарлаъл Неру мамлакат «ўз тақдири билан учрашди», деб айтганди. Орадан ўтган 41 йил ичида катта йўл босиб ўтилди. Мустақил Ҳиндистоннинг қўлга киритган муваффақиятлари улуғвор. Бир пайтлар жуда қолоқ бўлган мамлакат ҳозир саноат маҳсулотлари ҳажми бўйича жаҳондаги ўнта етакчи мамлакат сафидан ўрин олган.

Ҳиндистон мустақилликни қулга киритган пайтдан буён Совет — Ҳиндистон муносабатлари доимо мустаҳкамланиб, кенгая борди. 1971 йилнинг 9 августида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида тузилган Совет—Ҳиндистон шартномаси эса бу йўлда муҳим босқич бўлди.

Ўзаро манфаатли Совет-Ҳиндистон ҳамкорлиги мамлакатларимиз халқларининг туб манфаатларига мос бўлибгина қолмай, балки Осиё ва бутун жаҳонда барқарорликнинг муҳим омили ролини ҳам ўйнамоқда, халқаро иқлимга ижобий таъсир ўтказяпти. Бу бежиз эмас, албатта. Гап шундаки, Совет—Ҳиндистон муносабатларининг асосини тинчлик ва тараққиёт ишига, куролсизланиш ва ядро урушининг олдини олиш учун курашга бўлган муштарак манфаатлар ташкил этади. Дўстона муносабатлар тинч-тотув яшаш сиёсатининг нақадар ҳаётийлигини намойиш этмоқда.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг 1986 йил ноябрида Ҳиндистонга қилган визити ана шу жараённи ривожлантиришда бениҳоя катта роль ўйнади.

Ҳиндистон ўз миллий байрамини мураккаб вазиятда нишонламоқда. Ички ва ташқи реакция мамлакатни беқарорлаштиришга, уни заифлаштиришга уринмоқда. Республика учун оғир бўлган мана шундай пайтда Совет Иттифоқи ҳинд халқи билан бирдам эканлигини намойиш этмоқда. Барча совет кишилари қатори республикамиз меҳнаткашлари ҳам дўст ҳинд халқини миллий байрам билан қутлаб, тинчлик ва тараққиёт йўлида катта муваффақиятларга эришишини тилмоқдалар.

Аҳоли эҳтиёжларига диққат—эътиборни кучайтирайлик

КЕЙИНГИ йилларда республикада социал иқтисодий муҳитни соғломлаштиришда муайян силжишлар кўзга ташланмоқда. Медицина хизматини яхшилаш, уй-жой қурилишини кенгайтириш юзасидан чоратадбирлар кўрилди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга кучғайратлар жамланмоқда. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан шундай моллар тайёрлаш 326 миллион сўмликка кўпайди. Ўсиш суръати 107,4 процентни ташкил қилди. Чакана товар обороти плани кейинги йилларда биринчи марта бажарилди. Ўтган йилнинг шу даврига қараганда товар обороти ҳажми 8,2 процентга ўсди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш 25 процент кўпайди. Яқин орада бўладиган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумида Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришни жадаллаштириш вазифаси муҳокама қилинади.

Афсуски, ҳозирги пайтда республиканинг барча бурчакларидан меҳнаткашлар маиший турмушига оид кўпгина нуқсонлар ва ноқулайликлар тўғрисида шикоятлар олинмоқда. Шундай мактублар, айниқса, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қарши, Олмалиқ, Чирчиқ, Кўқон, Марғилондан кўпроқ тушяпти. Хўжаобод, Деҳқонобод, Яккабоғ, Ургут, Пахтачи, Ўрта Чирчиқ, Олтиариқ, Киров районлари ва бошқа районларда ҳар хил камчиликлар тўғрисида аҳоли мунтазам шикоят қилади.

Меҳнаткашларнинг мактубларида эътирозга сабаб бўлмаслиги лозим бўлган оддий масалалар хусусида ҳам ҳақли равишда шикоятлар айтилади. Савдода сут, нонбулка ва ундан тайёрланадиган бошқа маҳсулотлар тури чеклаб қўйилган. Аксарият ҳолларда алкоголсиз ичимликлар ва музқаймоқларга бўлган эҳтиёжлар қондирилмаяпти. Республикамиз зарур ресурсларга эга бўлгани ҳолда печенье, пряник, маргарин ва унни анчагина миқдорда мамлакатнинг турли регионларидан келтиряпти.

Бундай аҳволга кўпгина раҳбарларнинг масъулиятсизлиги ва лоқайдлиги, уларнинг яроқсиз иш услуби, конкрет масалалар билан шуғулланишни истамаётганликлари, таъминотдаги ҳар бир узилиш учун ижрочилардан талаб қилмаётганликлари, тақчилликни сунъий равишда вужудга келтираётганликлари сабабдир. Масалан, биринчи даражали маҳсулот бўлган нонни олайлик. Олий сифатли ва кенг ассортиментдаги нонларни тайёрлаш учун зарур қувватлар, моддий-техника ресурслари мавжуд. Хўш, амалда нима бўляпти? Дон маҳсулотлари министрлиги фаолиятида жиддий нуқсонлар аниқланди. Шу система корхоналарида сифатсиз ундан фойдаланишяпти, Стандартлар бузиляпти. Тарозидан уриб қолинмоқда. Кўпгина магазинларда керакли ассортиментдаги нон маҳсулотлари топилмайди.

Нон заводлари, магазинлар район партия комитетининг секретари, район ижроия комитетининг раиси ишлайдиган, шаҳар, область партия комитетлари, шаҳар, область ижроия комитетлари бор жойлардадир. Бироқ улар аҳолининг эҳтиёжларини қондириш масалаларини билан ўзлари эмас, бошқалар шуғулланиши керакдек, бу муаммоларни ҳал этишни орқага сурадилар.

Сут-қатиқ маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасида ҳам худди шундай манзарага дуч келинади. Қорақалпоғистон АССР, Қашқадарё ва Жиззах областларида бу йил ёғсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш топшириғи ярмига ҳам етказилмай қолиб кетяпти. Сутларни қадоқланган шаклда ишлаб чиқариш умумий ҳажмда 26 процентдан нарига ўтмаяпти. Бу кўрсаткич Жиззах, Урганч, Кўқон ва Термиз сут заводларида 12-19 процентни ташкил қилмоқда. Ҳа, барча корхоналарда зарур ускуналар мавжудлигига қарамай, шундай аҳвол юз беряпти.

Республикада балиқчилик сингари муҳим озиқ-овқат тармоғи диққат марказидан четда қолиб кетди. Сирдарё, Андижон, Сурхондарё ва Бухоро областларида балиқчилик хўжаликларидаги ишларнинг аҳволига лоқайдлик билан қараляпти. Бу ерларда ҳавзалар маҳсулдорлиги қатор йиллардан бери ҳар гектар ҳисобига 7-15 центнер балиқ олиш билан кифояланилмоқда. Кўл фондидан системасиз фойдаланилмоқда. Балиқ савдоси ёмон ташкил қилинган. Жиззах шаҳридаги иккита аквариум кўпинча бўш туради. Қашқадарё область матлубот союзи шу йилнинг биринчи ярми фонди бўйича балиқ танлашдан умуман воз кечди. Айни пайтда областнинг кичик шаҳарларида шундай маҳсулот билан савдо қилиш амалда тўхтатиб қўйилган.

Тошкентда аҳолини сабзавот ва мевалар билан таъминлаш ўткир масалалигича қолмоқда. Бу — шундай маҳсулотлар йўқлигидан эмас, аскинча асосан тайёрлаш-сотиш хизматлари ходимларининг ношудлиги, уларнинг шаҳарликлар эҳтиёжларига нисбатан лоқайд қараётганлиги туфайли юз бермоқда.

Ўзбекистон Давлат агросаноат комитети, Ўзбекбирлашув ташкилотларининг ташкилотчилик роли кўринмаяпти. 1987 йилда Тошкентга пландагидан 109 минг тонна мева, сабзавот ва картошка етказиб берилмади. Уларнинг 80 минг тоннаси ёки 74 проценти Тошкент области зиммасига тўғри келади.

Республика пойтахти шаҳар атрофи зонасидаги хўжаликларда иш яхши уюштирилмаганлиги оқибатида тошкентликлар минглаб тонна картошка, сабзавот, мева, узум ва полиз маҳсулотлари ололмай қоляптилар. Сурхондарё, Фарғона, Андижон, Наманган ва Самарқанд областларида ҳам шундай маҳсулотлар етказиб бериш топшириқларини мунтазам равишда барбод қилиб келмоқдалар.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси резолюциясида таъкидланганидек, хўжалик юритишнинг янги механизми имкониятларидан фойдаланган ҳолда бозорларни халқ истеъмоли турли моллари билан тўлдириб ташлашни жадаллаштириш лозим. Бу соҳада ҳам кўплаб жиддий хатолар ва камчиликлар бор. Республикамиз бир киши ҳисобига маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича Иттифоқда охирги ўринлардан бирини эгаллайди. Масалан, ўтган йили мамлакат бўйича ўртача 1154 сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, бу кўрсаткич республикамизда 451 сўмликни ташкил этди.

Ноозиқ-овқат моллар бўйича Комплекс программа ҳам қониқарсиз бажарилмоқда. Бухоро, Жиззах, Наманган, Самарқанд областлари ва Тошкентдаги кўпгина корхоналар программада кўзда тутилган даражага чиқа олмадилар.

КАТТА ва мураккаб бўлган иқтисодий механизмда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари алоҳида роль ўйнайди. Бу ишда айрим ижобий нуқталар йўқ эмас. Шу билан бирга доимий камёбчилик, маҳсулотлар турларининг ниҳоятда камлиги, пештахталар тагида турган, аммо сотувга чиқарилмаслиги туфайли навбатлар ҳосил қилинаётганлиги, тарозидан уриб қолиш ва харидорларни алдаш аҳолини даргазаб қилмоқда. Масалан, Чилонзор районидаги 17-гастрономга колбаса келтирилди, одамлар навбатга туришди. Бироқ навбатни қисқартириш, харидорларга тезроқ хизмат кўрсатиш учун ҳеч қандай чора кўрилмади. Гастрономия бўлимида икки киши ўрнида битта сотувчи шошмай ишлар, ўрнатилган учта касса аппаратидан фақат биттаси ишларди. Бошқа бўлимларда пашша қўриб ўтирган сотувчилардан бироntаси ҳам бу вазиятни ўзгартиришни ўйламасди. Бундай ҳолни жуда кўплаб жойларда учратиш мумкин. Айни пайтда савдо корхоналарининг раҳбарлари, магазинларнинг директорлари бундай ҳолга бефарқ қарамоқдалар. Умуман, уларни савдо залларида учратиб бўлмайди.

Қанд-шакар тақчиллиги ҳаммага маълум. Харидорлар магазин пештахталарига қараб «Дўконларда қанд йўқ» деб норози бўлишяпти. Сотувчилар эса уларга эътироз билдиришмайди. Яқинда Гулистонда халқ назоратчилари текшириш ўтказдилар. Бир кунниг ўзида савдо нуқталарининг ёрдамчи омборхоналарида 13 тоннадан кўпроқ қанд топилди. Савдо ходимлари моллар тақчил бўлганда, одамлар қийналаётганда харидорларнинг уларга бош эгиб келишларини, қлтимос қилишларини ва ҳатто «хизмат ҳақлари»ни беришларини яхши биладилар. Кўпгина савдо ходимлари ўзларини безбетларча тутмоқдалар. Атайин тақчилликни, танг ҳолатни вужудга келтирмоқдалар, таъмагирлик ва олибсотарлик билан шуғулланмоқдалар.

Афсуски, баъзи раҳбарлар шундай ҳоллар билан келишувчанлик қилмоқдалар. Принципиалликни йўқотмоқдалар. Ва ҳатто айрим ҳамкор савдо ходимларининг тўрига илинмоқдалар. Бундай ҳолда одамлар тўғрисида ғамхўрлик ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Ошкоралик шароитларида раҳбарларнинг шахсий камтарлиги мавзуи биринчи даражали аҳамият касб этади. Бу ўринда кўпгина ишларни тўғрилаб олиш, ҳар бир раҳбар камтар бўлишига, ҳар бир қадами, ҳар бир сўзи учун жавоб беришга эришиш зарур.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси мажлисида раҳбарларга яратиб берилган ҳар қандай имтиёзларга ва баъзи шахсларнинг нопоклигига қарши курашиш зарурлиги уқтирилди ўтилди. Бу соҳада муайян ишлар қилинди. Аммо, турли раҳбарлик органларидаги буфетлар, ошхоналар ишини диққат билан ўрганишгача яна кўпгина ишларни бажариш, ҳар қандай ортиқча зеб-ҳашамлардан воз кечиш керак. Бутун диққат-эътиборни аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилашга, одамларга оммавий тарзда хизмат кўрсатиладиган жойларда тегишли тартибни ўрнатишга, ҳаётимизнинг барча соҳаларида чинакамига социалистик янгиланишни таъминлашга қаратиш лозим.

Масалан, умумий овқатланишда анчагина тартибсизлик мавжуд. Бу ерларга ин қуриб олган «ишбилармон» кишилар одамларни тўйимли ва мазали овқатлар билан таъминлаш ҳақида эмас, кўпроқ ўз шахсий манфаатларини ўйлайдилар. Ошхоналарда ифлослик, антисанитария, харидорлар ҳақидан уриб қолиш оддий воқеага айланган. Бизда ўз маҳсулотини аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ишлаб чиқариш ва реализация қилиш мамлакат бўйича ўртача қўрсаткичдан 43 процент пастдир. Умумий овқатланиш шохобчаларини ривожлантириш топшириғи бажарилмаяпти. Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш узоқ йиллардан бери амалда бир жойда депсиниб турибди. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг кооператив шаклини ривожлантириш сингари муҳим омилга етарли даражада аҳамият берилмаяпти.

Андижон, Бухоро, Сурхондарё ва Сирдарё область ижроия комитетлари, кўпгина шаҳар ва район ижроия комитетлари имкониятлар яратилганлигига қарамай, кооперативлар ташкил этишда қатъият кўрсатмаяптилар. Агар умуман республикада кооперативлар сони уларда суиистеъмолчилик йўқмикан?

Билетлар тақсимоти системасида ҳар хил нопок шахслар, аэропортдаги савдо ходимлари орасидан чиққан даллоллар, ҳатто такси ҳайдовчилари, ҳар хил таниш-билишлар иштирок этишяпти. Айни пайтда ҳар куни самолётлар бўш ўриндиқлар билан рейсга жўнамоқда. Шу йилнинг 7 июлидан 15 июлига қадар аэровокзаллардан маҳаллий линияларга самолётлар 2754 та бўш ўриндиқлар билан жўнатилди. 1—15 июль мобайнида учган «ИЛ-86» самолётларида 636 та бўш ўриндиқ бўлган.

Алоқа ва, энг аввало, телефон алоқаси кўплаб шикоятларга сабаб бўляпти. Одамлар телефонларнинг ёмон ишлаётганлигидан, бу соҳадаги чалкашликлар, ишларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигидан, таъмагирлик ва бошқа жиддий нуқсонлардан газабга келмоқдалар. Турли ташкилотларга шикоят қилмоқдалар. Бугунги кунга келиб 300 минг киши телефон ўрнатилишини кутмоқда. Уларнинг айримлари 20—25 йилдан бери навбатда турибди. Юнусобод массивидаги 12-кварталнинг 12-уйида яшовчи аҳоли шундай деб ёзади: «Уйимиздаги кўплаб кишилар телефон ўрнатилишини кутиб 12 йилдан бери навбатда туришибди. Бизнинг кварталимизга яқин жойда автомат телефон станцияси 1988 йилда фойдаланишга топширилгач, бизга ҳам ниҳоят номер бериладиган, деб умид қилган эдик. Бироқ шу масала юзасидан АТСга мурожаат қилганимизда ижобий жавоб ололмадик. Бизга кўплаб имтиёзли аризалар борлигини, шу боис ҳеч нимани ваъда қилолмасликларини тушунтиришди. Биз турган уй 1972 йилда фойдаланишга топширилган. Бироқ биздан саккиз йил кейин квартира олганлар эса телефон алоқаси билан тўлатўкис таъминландилар. Биз ҳам барча совет кишилари қатори ишлаяпмиз. Биз ҳам телефон олишни истаймиз. Чунки у ҳашамга эмас, кундалик турмушимизга зарур. Кўчада ўрнатилган телефон эса кўпинча бузуқ бўлади».

Аҳолининг почта хизматига эҳтиёжлари ҳам яхши қондирилмаяпти. Почта, у берадиган қулайликлар ҳозирги замон социал комфортининг муҳим, ажралмас қисмидир. Бироқ хат-хабарлар кўпинча ўз адресига эмас, балки бошқа жойларга тушмоқда. Мактублар ва телеграммаларни етказиб бериш муддатларига риоя этилмаяпти.

Республикамизда қарийб 2 мингта жамғарма банки, унинг бўлимлари ва филиаллари бор. Хўш, улар қандай ишлаяпти? Улар фаолиятини ҳеч ким назорат қилмаяпти, деган хулосага келиш мумкин. Бу нарса, айниқса, қишлоқ жойларда кўпроқ кўзга ташланмоқда. Мазкур филиаллар ва бўлимларнинг ходимлари ишга хоҳлаганда келиб, хоҳлаганда кетадилар. Бу муассасаларда қачон қарасангиз, каттагина навбатни кўрасиз. Одамлар квартира ҳақини ва бошқа коммунал хизматларга пулларни ўз вақтида тўлай олмайдилар. Айни пайтда эса касса ортига йиғилиб олган ходимлар валақлашиб ўтираверадилар. Ташриф буюрувчиларнинг танбеҳига эса улар нари борса жавоб қайтарадилар, аксарият ҳолларда жеркиб берадилар ва ҳақорат қиладилар.

КОММУНАЛ хизмат соҳасида кўпгина муаммолар мавжуд. Аҳолини шаҳарларда, поселкаларда марказлаштирилган тартибда сув билан таъминлаш 79 процентни, қишлоқ жойларида 49 процентни ташкил қилади. Шунда ҳам сувларнинг анчагина қисми қувурлар яроқсиз Комитетга қуйидаги мактуб билан мурожаат қилган: «Мен ҳаста одамман. Юрагимнинг мазаси йўқ. Орқа умуртқам шикастланган. Бу менга нисбатан вахшийлик эмасми? Мен ўз ҳаётимнинг қирқ йилини совет аппаратларида ишлашга бағишладим. Ундан беш йилини уруш йилларида машина ёнида ўтказдим. Фронт учун шифрли ҳужжатларни қайта ишлардим. Совуққа, очликка бардош бердим. Ҳозир эса бирон-бир кабинетга кирсанг, сен билан гаплашишни исташмайди. Гўёки, кампирлар йиғлаб-йиғлаб қайтиб кетаверадилар».

Марказий Комитет аралашганидан кейин ҳамма масала тез ҳал этилди. Албатта, ЖЭК бошлиғи меҳнаткашларнинг шикоятларига эътиборсизлик билан қарагани ҳамда қўполлиги учун вазифасидан озод қилинди. Шу муносабат билан халқ хизматида туриши керак бўлган давлат ташкилотининг обрў-эътибори тўғрисида нима дейиш мумкин?

Уй-жой фондини зарур даражада сақлаш ишлари бўйича ҳам анчагина сансалорлик ва бюрократик муносабатлар бор. Уй-жойларни ремонт қилиш сифатсиз, ниҳоятда сусткашлик билан олиб борилмоқда.

Кўчаларнинг ўтиш жойлари ва тротуарларнинг аҳволи ҳам гражданлар норозилигига сабаб бўлмоқда. Ҳатто, Тошкентда кўпгина кўчалар ўз ҳолига ташлаб қўйилган, ўйдим-чуқур. Коммуникация иншоотларининг кўриш қудуқлари ё кўчанинг ўтиш қисмида тўмтайиб туради ёхуд анча чуқурда жойлашганки, булар транспорт учун авария ҳолатини вужудга келтириши мумкин.

Район марказлари ва айниқса, қишлоқ поселкаларидаги йўллар ёмон аҳволда. Уларнинг аксарияти қатиқ қопламага эга эмас. Уларни яхшилаб қўйиш имконияти йўқми? Бор. Гап фақат ташаббус ва қатъиятлилик кўрсатишда қолган.

Коммуникация иншоотларини барпо этишда керакли тартибни ўрнатиш, уларни қуриш муддатларини йўллар ва кўчаларнинг ўтиш қисмини ободонлаштириш ёки ремонт қилиш билан мувофиқлаштириб олиб бориш даркор. Бизда эса шундай бўладики, йўлсозлар кўчанинг бир қисмини ободонлаштириш ёки қаттиқ қопламани ремонт қилишни тугатишлари биланоқ, қурувчилар ёки корхона кўчанинг бошқа томонидан эндигина ётқизилган асфальтни бузишга ва коммуникация иншоотларини ётқизиш учун чуқур кавлашга киришиб кетадилар.

Буларнинг ҳаммаси маҳаллий Советлар ижроия комитетлари, уларнинг раислари фаолиятига дахлдор масалалардир. Улар ҳамма нарсани ўз вақтида бир-бирига боғлиқ ҳолда ҳал этишлари керак.

МАРКАЗИЙ Комитет Бюроси мажлисида уй-жой муҳим социал масала эканлиги таъкидлаб ўтилди. Республикамизда маҳсус программа ишлаб чиқилган бўлиб, унда 2 мингинчи йилгача уй-жой фондини икки баравар кўпайтириш, шу тариқа ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки уй билан таъминлаш масаласини ҳал этиш кўзда тутилган. Тошкент шаҳрида уй-жой қурилиши йиллик планини ортиғи билан бажариш учун жиддий киришилган. Бу ерда ярим йиллик план умуман ортиғи билан адо этилди. Корхоналарни ривожлантириш фондлари ҳисобига уй-жойларни фойдаланиб топшириш олти ойлик плани Андижон областида 68, Жиззах областида 77, Навоий областида 88 процент бажарилган, холос. Шундай қилиб, уй-жой қурилиши ҳажмлари ва суръатлари белгиланган программа талабларига ҳам, аҳоли эҳтиёжларига ҳам жавоб бермайди.

Чўлқуварлар учун нормал шарт-шароитларни яратишда йўл қўйилган нуқсонлар бартараф этилмаяпти. Умуман олганда «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли 88 та совхоздан 39 таси газлаштирилмаган. 9 таси марказлаштирилган сув таъминотига, 68 таси канализацияга эга эмас. Қорақалпоғистон АССРдаги Қурбонов, Сирдарё областидаги Ҳамза номли, Қашқадарё областидаги 52-, Бухоро областидаги 11-совхозлар доимий электр таъминотига уланмаган. Бунинг оқибатида шу совхозга қўчиб борган икки минг оиланинг қарийб ярми кейинги йилларда чўлни тарк этди.

«Главсредазирсовхозстрой» раҳбарлари қўриқ совхозлар ташкил этишда ҳамон ялпи кўрсаткичларга зўр беришяпти. Қишлоқ меҳнаткашлари эса улар эътиборидан четда қолмоқдалар. Маҳаллий партия, совет органлари амалда бунга қўникиб қолганлар.

Энди мана бу фактларга эътибор беринг. Республикадаги мактабларнинг ярмида болаларни овқатлантирадиган жой йўқ. Спорт заллари, марказий иситиш системаси, канализация йўқ. Қашқадарё областининг Деҳқонобод районидаги 20 та мактаб биноси авария ҳолатида. 26 та мактаб эса ҳатто электрлаштирилмаган.

Меҳнаткашларнинг яхши кайфияти кўп жиҳатдан улар бевосита ишлаётган корхоналарда яратилган социал-маиший шарт-шароитларга, бу ерлардаги меҳнат коллективларида ўзлари тўғрисида кўрсатилаётган ғамхўрликка боғлиқдир. Меҳнат коллективларида ғамхўрлик қанча катта бўлса, ишчи инсон учун ўз корхонаси қадри янада ошади. У ишлаётган цех, бригада тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Ана шунда ишчи ўз вазифасини сидқидилдан бажара олади.

«Алгоритм» заводи, «Узбекнефтегазгеология» бирлашмаси, Хива гилам комбинати, Жомбойдаги 2507-автоколонна, Тошкент бадиий буюмлар фабрикаси, Самарқанд холодильниклар заводи раҳбарлари масалага худди ана шу нуқтаи назардан ёндашмоқдалар. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Афсуски, ҳамма жойда ҳам шундай эмас. Кўпгина раҳбарлар меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларига лоқайдлик билан бераҳмларча муносабатда бўлмоқдалар. Социал йўналишдаги масалаларни ҳал этишни орқага сурмоқдалар. Бу одамларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётир. Натижада улар маҳаллий партия, совет органларига мурожаат қилмоқдалар. Бироқ бу жойларда уларни баъзан қўллаб-қувватлашмайди.

Масалан, Андижондаги «Электродвигатель» заводи ишчилари ноқулай шароитларда меҳнат қилишмоқда. Ёзда цехларда вентиляция қурилмалари йўқлигидан нафас олиб бўлмайди. Қишда эса цех иситилмайди. Душхона, ечиниш-кийиниш жойлари, овқатланадиган хоналар йўқ. Совуқ сув таъминотида тезтез узилишлар бўлиб туради.

Кўпгина корхоналарнинг раҳбарлари оддий шарт-шароитлар яратиш тўғрисида ўйламайдилар ҳам. Республика бўйича оддий маиший хоналар билан таъминланиш 72 процентни ташкил этади. Корхоналарнинг 68 процентидагина душхоналар, бор-йўғи 56 процентидагина хотин-қизларнинг шахсий гигиенаси хоналари мавжуд. Андижон, Сурхондарё, Сирдарё, Қашқадарё областларида, Қорақалпоғистон АССРда аҳвол бундан ҳам баттар. Шундай хоналар миқдори маҳаллий саноат, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида, маданият ва алоқа муассасаларида, қурилиш ташкилотларида ва агросаноат комплексининг бинокорлик материаллари саноати корхоналарида суст ўсмоқда. Қашқадарё, Жиззах, Навоий областларида, Қорақалпоғистон АССРнинг колхозлари ва совхозларидаги кўпгина суттовар фермаларида умуман санитария-маиший хоналарнинг ўзи йўқ.

АҲОЛИНИНГ айниқса, хотин-қизларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш ва енгиллаштириш масалалари сусткашлик билан ҳал этиляпти. Шу пайтгача 112 минг хотин-қиз шовқин-сурон, тебранишлар, чанг-тўзон ва ифлосланиш даражаси нормадан юқори бўлган шароитларда ишлашда давом этмоқдалар. Хотин-қизларнинг қўл меҳнати даражаси амалда камаймаяпти. Улар паст малакали ишларда ишламоқдалар. Умуман, олинган саноатда бу кўрсаткич 44 процентга тенгдир. Чунончи, Қувасой цемент заводида зарарлилик даражаси нормадан юқори бўлишига қарамай, хотин-қизларнинг асбестни дозировкадан ўтказишда банд бўлишлари давом этмоқда, бу меҳнат шу пайтгача механизациялаштирилмаган.

Республикада 12.780- та корхона бор. Бироқ уларнинг атиги 390 тасигина ёки 3,5 процентигина юксак маданият талабларига жавоб беради. Бу корхоналарнинг территорияси саранжом-сариштa, асбоб-ускуналар, коммуникация иншоотлари яхши сақланмоқда. Маълумки, бундай жойларда планлар ҳам бажарилади. Маҳсулот етказиб бериш ва уларни сифатли қилиб чиқариш юқори савияда боради. Намангандаги аврли газламалар комбинати, Андижон автокомбинати, Жиззахдаги пластмасса буюмлари ва «Ташсельмаш» заводлари, Хоразм авиакорхонаси ва бир қатор корхоналар ҳақида шундай дейиш мумкин.

Аммо Чирчиқдаги «Электрохимпром», «Навоназот» бирлашмалари, фуран бирикмалари заводи ва «Азот» бирлашмаси каби бир қатор корхоналар борки, улардаги асбоб-ускуналар, цехлар орасидаги коммуникация иншоотларининг кўриниши киши ғашига тегади, улар неча ўн йиллардан бери тартибга келтирилмайди.

Бир қатор министрликлар, идоралар ва корхона раҳбарлари атроф-муҳитни муҳофаза этиш масалаларига кечириб бўлмас даражада бепарволик қилмоқдалар. Биринчи навбатда биз энергетика ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, металлургия, бинокорлик материаллари саноати объектларини, каноп ишлаб чиқариш ва пахта тозалаш заводларини тилга оламиз.

Шу боис республикадаги бир қатор шаҳарларнинг атмосферасидаги ҳаво сифати умуман олганда санитария нормаларига тўғри келмайди. Олмалиқ, Бекобод, Фарғона, Андижон, Чирчиқ, Тошкент, Оҳангарон, Навоий, Ангрен, Самарқанд шаҳарлари айниқса, ифлосланган. Республикадаги мавжуд заҳарли химикатлар сақланадиган мингдан ортиқ омборхоналарнинг атиги 40 процентигина типовойдир. Минерал ўғитлар сақланадиган омборхоналарнинг ҳар ўндан биригина типовойдир. Натижада аҳоли катта зарар кўряпти.

Марказий Комитет Бюроси мажлисида партия комитетлари томонидан инсон омилини юксалтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш учун масъулиятни ошириш ҳақида принципиал гап борди. Мисол учун Боғот, Гурлан, Урганч ва Хоразм областининг яна бир қатор район партия комитетлари ўз куч-ғайратларини етилган социал муаммоларни ҳал этишда меҳнат коллективларининг ташаббусини ва мустақиллигини оширишга қаратмоқдалар. Бунда ёрдамчи хўжаликлар ва хунармандчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Икки йил мобайнида область бўйича ўз кучлари билан маҳаллий ресурслардан ғишт, цемент, бўёқ, оҳак ишлаб чиқарувчи 59 та цех ва корхона қуриб битказилди. Одамларни ўрмон саноати хўжаликларига юбориш йўли билан қурилишларни ёғоч-тахта билан таъминлашдан иборат мураккаб масала ҳам ҳал этилди. Буларнинг ҳаммаси меҳнатга яроқли аҳолини иш билан таъминлашни яхшилабгина қолмай, айни пайтда асосий қурилиш материалларини етишмовчилигига кўп жиҳатдан барҳам бериш имконини берди. Шу сабабли областда айниқса, қишлоқда уй-жойлар ва социал-маданий-маиший объектлар қурилишини кескин жадаллаштиришга муваффақ бўлинди.

Бухоро областининг Қоракўл район партия комитети ишида ҳам яхшилик сари силжиш кўзга ташланмоқда. Район партия комитети бюроси қайта қуришни одамлар тўғрисида конкрет ғамхўрликдан бошлади. Бир йил ичида уй-жойларни фойдаланишга топшириш бир ярим баравар кўпайди. Ҳар бир колхозда стадионлар ва ёзги кинотеатрлар қурилди. Фермаларда дам олиш хоналари, душхоналар пайдо бўлди. Одамлар бундай ўзгаришларни кўрмоқдалар. Натижада улар фидокорона меҳнат қиладиган бўлиб қолдилар. Пахта, бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили кўпайди. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ошди.

Шунга ўхшаш мисолларни яна келтириш мумкин. Аммо булар ҳали оз. Бундай ҳол республикадаги барча партия комитетлари учун ибратдир. Кўпчилик область, шаҳар, район партия комитетларида инсон омилига нисбатан туб бурилиш бўлмаяпти.

Одамлар турмуш шароитларини яхшилаш, меҳнаткашларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ масалалар республика партия комитетлари пленумларида, бюро мажлисларида муҳокама қилинишига қарамай, уларда қабул қилинаётган қарорлар умумий, панд-насиҳатлардан нарига ўтмаяпти. Уларда амалий ечимлар йўқ. Куч-ғайратлар ҳал этилиши лозим бўлган биринчи навбатдаги муаммоларга сафарбар этилмаяпти. Боз устига бу масалалар юқори партия органларининг қароридан сўнггина кўриляпти. Бунда айрим маҳаллий партия комитетлари ташаббус кўрсатмаяптилар. Шу масалалар фавқулодда вазият рўй бергачина кун тартибига қўйилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ҳамма вақт ва ҳамма соҳада инсонни ўйлаш, унинг реал эҳтиёжлари ва ташвишларидан, у ишлаётган ва яшаётган жойларнинг шарт-шароитларидан келиб чиқиб, ҳаракат қилиш лозимлигини таъкидлади. Бу нарса бизнинг сиёсий, давлат системамиздаги барча бўғинлар — партия, совет, касаба союз, хўжалик органлари, маҳаллий ахборот воситалари фаолиятида қонунга айланиши даркор.

Давр қайта қуриш революцион характерининг ўзи масалага янгича ёндашишларни, янгича тафаккурни талаб қилади. Партия амалга ошираётган барча қайта ўзгартишларда аввало инсон омилини, яъни меҳнаткашларни — ишчиларни, колхозчиларни, зиёлиларни, уларнинг кундалик ташвишларини ва эҳтиёжларини марказга қўймоқда. Меҳнат кишисининг ишлаш, турмуши, дам олиши шароитлари қай тарзда яхшиланганлигига, унинг ҳаётий эҳтиёжлари қанчалик тўла қондирилишига қараб қайта қуриш жараёнига, унинг реал самарасига баҳо берилади. Шу боисдан ҳозирдаёқ ҳар бир меҳнаткаш қайта қуришнинг реал самараларини, партия XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорлари рўёбга чиқиши мевараларини ўзида ҳис этиши учун барча ишларни қилиши керак.


ИНСОН ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК— АСОСИЙ МАСАЛА

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг республика активлари иштирокида ўтказилган кенгайтирилган мажлисида XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси кўрсатмалари асосида аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасига диққат-эътиборни кучайтириш масаласи бутун ўткирлиги билан муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчевнинг докладида ва нотиқларнинг чиқишларида социал соҳанинг меҳнаткашлар турмушидаги, уларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини оширишдаги, кайфиятларини яхшилашдаги аҳамияти алоҳида уқтириб ўтилди. Партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари аҳолига хизмат кўрсатиш муаммоларига биринчи даражали масала сифатида аҳамият беришлари, инсон ҳақидаги ғамхўрликни ўз фаолиятларининг бош вазифаси деб ҳисоблашлари зарурати ҳам шундандир. Қуйида мажлис ҳақидаги қисқача ҳисобот эълон қилинади:

• *БУГУН—ҚУРУВЧИЛАР КУНИ*





ИЛҒОР ТАЖРИБА АСОСИДА

Объектни механизм ва бошқа воситалар билан ўз вақтида таъминлаш бинокорлик ишлаб чиқариши самарадорлигини оширади. Бу коллектив аъзоларининг ташаббускорлигини кучайтириб, меҳнат ҳамда технология интизомини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Пировард натижа салмоғини оширишда коллектив пудрат усули ҳамда Болтиқбўйи бинокорларининг тажрибаси қўл келмоқда. Шу усулда меҳнат қилаётган Самарқанддаги 5-қурилиш трести 978-бошқармасининг бош инженери А. Силантьев илғор тажрибалар қандай манфаат келтираётгани хусусида қуйидагича ҳикоя қилади:

— Коллектив пудрат усули асосида ишлаётганимизга кўп вақт бўлгани йўқ. Қурувчилар ўз ишларини қайта қуриб, хўжалик юритишни ўрганиб олгунларича бироз қийин бўлди. Шунга қарамай, ўтган йилнинг натижалари янги усулда ишлаш афзалликларини кўрсатиб берди. Етти ой мобайнида бошқармамиз иш ҳақи фондидан 40 минг сўм тежаб қолди. Қурувчиларнинг фаолияти меҳнатдаги иштироки коэффициентига қараб баҳоланадиган тартиб туфайли меҳнат ҳамда ишлаб чиқариш интизоми муттасил мустаҳкамланиб борди. Бригадаларда ишлаётганларнинг маоши кўпайди. Масалан, Маргарита Нуриддинова раҳбарлик қилаётган сувоқчилар бригадаси аъзолари янгича ишлашга ўтгач, улар оладиган ҳақ икки баравар кўпайди.

Очиқ айтиш мумкинки, эндиликда маош ишлаб топиш меҳнатдаги иштироки коэффициенти талабларига тўла мувофиқ келмоқда. Ҳар ойнинг бошида меҳнат коллективи кенгаши йиғилишида кимнинг умумий ишга қанча ҳисса қўшганлиги натижалари кўриб чиқилиб, моддий манфаатдорлиги белгиланади. Коллективда ишёқмаслар ва прогулчиларга муросасизлик муҳити қарор топди. Бундай ҳоллар юз берганда меҳнат коллективи кенгаши прогулчиларни ва ишёқмасларни аввал тартибга чақиради. Ўзгариш бўлмаса моддий жазо белгилайди. Аҳвол ўнгланмаган тақдирда эса бундай кишилар бригададан четлаштирилади.

Маъмурий аппарат ва инженерлик хизмати ходимларининг маоши ҳам худди шу тартибда — умумий ишга қўшган ҳиссаси натижаларига қараб тақсим қилинади.

Маънавий омилларнинг аҳамияти ҳам ортди. Ишчиларга ғамхўрлик кучайди. Бундай кишиларга ёз ойларида меҳнат отпускалари берилади. Санаторий, дам олиш уйлари ва чет эл сафарларига имтиёзли йўлланмалар ажратилади.

Ишлаб чиқаришда чек системаси ҳам кенг қўлланила бошланди. Эндиликда моддий-техника ресурслари, техника хизмати кўрсатиш чек билан ҳисоб-китоб қилинмоқда. Чек системасида ресурслар қандай сарфланаётгани, техникадан фойдаланишнинг аҳволи тўла акс эттирилади. Бу хўжалик фаолияти натижаларини холис таҳлил қилишга имкон бермоқда. Ҳар бир кишининг меҳнат активлиги ортди. Қурувчилар ажратилаётган маблағлардан тежаб-тергаб фойдаланиш ва материалларни эҳтиётлаб сақлаш чораларини кўрадиган бўлиб қолдилар.

Чек дафтарчаси моддий жавобгар кишиларга — аввало мастерларга, бригадирларга берилади. Улар тўла хўжалик ҳисоби усули шароитларида моддий ресурслардан мақсадга мувофиқ фойдаланишни мунтазам равишда тартибга солиб борадилар.

Бугунги кунда Р. Абдуллаева, К. Овчинникова, М. Нуриддинова, Л. Хайбуллаев бошлиқ бригадаларда чек системаси яхши натижалар бермоқда. Бу усул бригадирларга қатор муҳим масалаларни қурилиш майдонининг ўзида мустақил ҳал этиш имконини яратяпти. Жумладан, улар энди ГОСТ талабларига мувофиқ келмайдиган материаллар ва конструкцияларни қабул қилмасликлари ҳам мумкин. Бригадирлар ресурсларнинг кечикиб келишини қатъий ҳисобга оладиган бўлдилар. Нормадан кўп материаллар запасининг вужудга келмаслиги чоралари ҳам кўрилмоқда.

Кўриниб турибдики, янгича тартиб қурилиш ишлаб чиқаришига чуқур сингиб бормоқда. Чек системаси коллектив пудрат усулининг зарурий бир элементи бўлиб қолди. Шу тартибда ишлаш қурувчилар моддий манфаатдорлиги ошишига таъсир кўрсатмоқда. Объектлар фойдаланишга топширилгач, ишчиларга тежаб қолинган маблағ лимитининг 40-50 процентини бериш тартиб қилиб қўйилди.

Бошқармада чек системаси жорий қилинганидан бир неча ой ўтди, холос. Лекин бинокорлик материалларининг сарфланишини ҳисоб-китоб қилишда, кичик механизация ва транспорт воситаларидан самарали фойдаланишда ҳозирнинг ўзидаёқ бир неча минг сўм тежаб қолинди.

Илғор тажрибалар асосида иш тутиш иқтисодий-техника кўрсаткичларини мунтазам яхшиланиб боришига катта шароит яратяпти. Қурилиш ишлаб чиқаришига прогрессив тажрибаларни жорий қилиш туфайли Самарқанддаги Сартепа турар жой микрорайонидаги янги мактаб биносида пардозлаш ишлари муддатидан илгари, сифатли бажарилди.

В. ТИРИН.

Республикамиз қурувчилари ўз байрамлари — Қурувчилар кунини зўр кўтаринкилик билан кутиб олмоқдалар. Ўзбекистондаги кўпгина бинокорлик коллективлари анъанавий кунни яхши совғалар билан кутиб олдидар. Икки мингинчи йилгача ҳар бир совет оиласини аловида уй-жой билан таъминлаш тўғрисидаги партия ва ҳукуматимиз ўртага қўйган вазифани бажариш учун астойдил курашмоқдалар.


Кейинги йилларда кўпгина шаҳарларимиз муҳташам уй-жой бинолари билан яна ҳам боййди. Улар шаҳарларнинг кўркига-кўрк, чиройга-чирой қўшиб кўзларни қувонтирмоқда. Булар орасида Навоий шаҳри аловида диққатга сазовор. У ҳам энига, ҳам бўйига ўсмоқда. Шаҳардаги 11-қурилиш-монтаж бошқармасининг бинокорлари шу кунларда ўнинчи микрорайон территориясида катта бунёдкорлик ишлари олиб боришяпти. Қисқа вақт ичида бу ерда бир қанча иморатлар қад кўтарди. Кўпгина навоийликлар ҳовли тўйларини янги уйларда шод-ҳуррамлик билан ўтказдилар.

Микрорайон қурилишида ишлаётган коллективлар орасида область партия комитетининг аъзоси, Ленин ордени нишондори Галина Евсеевна Подворчан бошлиқ қурилиш бригадаси иши айниқса унумли бўлаётир. Коллектив ҳар ойда 40 квартирали уйни фойдаланишга топширишга эришмоқда. Бригада коллективи Қурувчилар кунини ҳам муносиб кутиб олди — яна бир 40 квартирали уй кўчиб киришга тахт қилиб қўйилди.

Суратларда: 1. Бригада бошлиғи Г. Подворчан ўз шогирдлари Г. Султонова ва К. Исмоиловалар билан. 2. Ўнинчи микрорайонда қад кўтараётган бинолар.

В. МОЛГАЧЕВ фотолари.

Акрам Дадабоевич ДАДАБОЕВ



Таниқли селекционер олим, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, 1939 йилдан бери КПСС аъзоси Акрам Дадабоевич Дадабоев 1988 йил 12 август куни 80 ёшида вафот этди. А. Д. Дадабоев 1908 йил 1 сентябрда Хўжандда (ҳозирги Ленинобод) туғилди. 1934 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик институтини битирди. 1935—1958 йилларда СОЮЗНИХИ марказий селекция станциясининг аспиранти, катта илмий ходими, лаборатория мудири, директори бўлиб ишлади. 1957—1966 йилларда Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик академиясининг вице-президенти бўлиб ишлади, ғўза селекцияси ва уруғчилиги институти бўлимига мудирлик қилди. 1966 йилдан 1972 йилга қадар Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари, шу министрликда бошқарма бошлиги бўлиб ишлади. 1972 йилдан умрининг охиригача Г. С. Зайцев номли ғўза селекцияси ва уруғчилиги Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими, маслаҳатчиси эди.

А. Д. Дадабоев ғўзанинг янги серҳосил навларини яратишда иштирок этди, мўл ҳосил олишда пахтакор хўжаликларга катта амалий ёрдам берди. У ғўза генетикаси ва селекциясига доир юздан ортиқ илмий асарларнинг муаллифи бўлиб, илмий кадрлар ва халқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлашга катта эътибор берди. Илм-фан соҳасидаги катта ютуқлари учун 1966 йилда у Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси қилиб сайланди, унга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби ва хизмат кўрсатган агроном фахрий унвонлари берилди.

А. Д. Дадабоев жамоат ишларида актив қатнашди, IV чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советига, шунингдек халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва район Советларига депутат қилиб сайланди.

Партия ва ҳукумат А. Д. Дадабоев хизматларини юксак баҳоладилар. У учта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, иккита «Ҳурмат Белгиси» ордени, медаллар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган эди.

Ватанимизнинг содиқ фарзанди, олим ва ҳақиқий инсон Акрам Дадабоевич Дадабоевнинг ёркин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

П. Ҳабибуллаев, М. Ҳ. Холмуҳамедов, В. А. Антонов, И. Ҳ. Жўрабеков, М. С. Салоҳитдинов, Ш. А. Акмалхонов, В. И. Плетнев, Н. Тўхлиев, О. В. Лебедев, З. Салимов, Д. Ҳ. Ҳамидов, М. В. Муҳаммаджонов, А. А. Абдуллаев, А. Эгамбердиев, Р. Ҳусанов.

Бир хат изидан

БЕПАРВОЛИК

Андижонлик Ф. Муҳамедов бир йўла бир неча юқори ташкилотга шикоят хати йўллади. Хат унинг қизи—врач М. Муҳамедовани область газетаси гўдак ўлимида ноҳақ айблаганлиги ҳусусида эди. Автор юқори органларга мурожаат қилишининг боисини область партия комитети масалани одилона ҳал қила олмаганлиги билан изоҳларди.

Ушбу шикоят хати атрофлича ўрганиб чиқилди. Хулосаларимизни газетхонлар эътиборига ҳавола қиляпмиз. Зеро, энг одилона ва ҳаққоний қарор бу — кўпчиликнинг фикридир.

...Андижон область «Коммунист» газетаси редакциясига темирйўл ишчиси Ю. Баҳромовдан шикоят хати келди. Унда автор медицина ходимларининг лоқайдлиги, масъулиятсизлиги туфайли тўрт ойлик норасида фарзанди нобуд бўлганлигини баён қилганди. Редакция маданият бўлими мудири Р. Файзибоева мазкур хат юзасидан текшириш ўтказиб, газетага мақола тайёрлади. Натижада 1987 йил 2 декабрда «Мурғак қалбга хиёнат» сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинди. Унинг қисқача мазмуни қуйидагича: Андижон шаҳар Ёрбоши кўчасида истиқомат қилувчи Ф. Баҳромова хаста фарзандини механика заводи медицина-санитария қисмининг педиатр врачи Матлуба Содиқовага кўрсатади. Содиқова Рустамжонни номигагина кўздан кечириб, қулоғи оғриётганини айтади ва мутахассис врачга йўлланма беради. У ҳатто боланинг ҳароратини ҳам ўлчаб кўрмайди. Она боласини қулоқ-томоқ врачига кўрсатмайди. Эртаси куни кечки пайт боланинг ҳарорати 40 даражага кўтарилади. Баҳромовларнинг қўшниси, медицина институтининг талабаси Гуломжон Нажмиддинов у қаттиқ шамоллаганлигини аниқлайди ва зудлик билан «тез ёрдам»га қўнғироқ қилади. Бироқ вақтида муолажа қилинмаган гўдак уч кундан сўнг касалхонада вафот этади.

Мақолада «менинг участкам эмас», деб беморга яхши қарамаган Матлуба Содиқова, ўз участкасидаги ёш болалар соғлигини жиддий назорат қилмаган врач Муқаддас Муҳамедова ва «тез ёрдам» врачи Н. Раҳимовлар гўдакнинг ўлимига сабабчи бўлишгани, шунингдек, медицина муассасасида мутахассислар етишмаслиги эътироф этилади. Мақоланинг асосий мазмуни шундан иборат.

Медицина ходимларининг масъулиятсизлиги ҳақидаги бундай материаллар ҳозирги пайтда матбуот саҳифаларида кўплаб эълон қилинмоқда. Дарҳақиқат, ушбу нохуш воқеалардан кўз юмиб бўлмайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети яқинда қабул қилган «Республика аҳолисига медицина хизматини кўрсатишнинг аҳволи ва уни яхшилашнинг кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ҳам «Малакали медицина ёрдами кўрсатилмаганлиги сабабли беморлар ўлими хусусида тушган ҳар уч шикоятдан бири текшириш чоғида тасдиқланганлиги» қайд этилади. Бугунги кунда республикамизда болаларнинг касалланиши ва ўлими кўрсаткичлари мамлакатдаги энг юқори даражада эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Хусусан, Андижон шаҳрида туғилган минг бола ҳисобига ўлим кўрсаткичлари ҳамон юқори даражада турибди.

Хўш, шундай экан, газетанинг чиқишига нега эътироз билдирилди? Умуман, гўдакнинг ўлимида врач М. Муҳамедова айбдорми, йўқми? Келинг, дастлаб шу саволга жавоб излайлик.

...М. Муҳамедова завод медицина-санитария қисмида 1986 йилнинг 1 апрелидан 1987 йилнинг 1 ноябрига қадар ишлади. Бу ердаги ҳамкасблари унинг педиатрия бўйича муайян билимга эга эканлигини инкор этишмайди. Дарвоқе, Муҳамедова ҳозирги ишлаётган жойида ҳам унга мутахассис сифатида ижобий баҳо беришмоқда. Демак, Муқаддас —яхши врач.

Энди унга берилган ишлаб чиқариш характеристикасидаги ушбу хулосаларга эътибор беринг: «Ишга масъулиятсизларча ёндашади. Камчиликлари кўрсатилганда жаҳли чиқади, ҳатто ишга ҳам келмай қўяди. Ўз участкасида профилактика ишлари олиб боришга етарли эътибор бермайди. Юқумли касалликлар билан оғриган болани ўз вақтида шифохонага жойламагани учун ҳайфсан олган. Маъмурият ишдаги нуқсонларини кўрсатганда хафа бўлиб, бўшашга ариза ёзади...»

Таажжуб! Яхши врач нима сабабдан ўзини бундай тутади? Бу саволга Муҳамедова қуйидагича жавоб беради: «Менинг участкам Ёрбоши ҳамда Бег маҳаллалари эди. Бу участка анча катта бўлиб, туғилиш ҳам анча кўп, бир ёшгача болалар ҳам 70-80 га борарди. Болаларнинг кўпи боғчага боришмас, ойлик эмлаш планлари ҳам жуда катта эди. Мен бир ярим йилга яқин медсестрасиз ишлаб қийналиб кетдим. Мен билан бир медсестра ярим ставкада ишларди. Лекин у ҳам картотека, ҳам эмлаш, ҳам фильтр кабинетларида ва яна участкада ишларди. Ҳеч нарсага улгурмасди. Аслида бир участкада медсестра бир ярим ставка, врач бир ставка ишлаши керак.

Медсестра бермаганлиги учун болалар бўлими бошлиғи билан уришиб қолдик. Шунинг учун 1987 йил 13 августда ишдан бўшаш учун ариза ёздим. Бош врач икки ойдан сўнг қарши эмасман, деб аризамга қўл қўйди. 13 октябрда икки ой тугар эди. Бош врач отпускада бўлгани учун 22 октябрда рухсат сўраб кирдим. У ҳамма документларни тайёрла, деди. Мен ҳамма документларимни топшириб, 29 октябрдан ишга келмай қўйдим». **(М. Муҳамедованинг тушунтириш хатидан).**

Муҳамедованинг фаолиятида ҳам, характерида ҳам камчиликлар бор. Аммо инсоф билан айтганда, шундай оғир шароитда ишлашнинг ўзи бўлмайди. Ёш мутахассис тугул бу ерда тажрибали врачларнинг меҳнат қилиши мушкул. Иш шароитининг оғирлигини бош врачнинг ўзи ҳам эътироф этади.

«Л. П. Федосеева қатор қийинчиликлар мавжудлигини таъкид этди. Жумладан, ҳозирги кунда 9 педиатрдан тўрт нафари ишлаяпти. Икки киши ишдан бўшаган (?!), икки врач отпускада, бири касал, «Медсанчасть» 1280 нафар катта ёшдаги кишига, 8135 болага хизмат қилиши керак. Бу ерда 10 нафар болалар врачи ишлаши керак. Амалда эса 9 та. Мактабгача тарбия муассасалари врачи уч ставкада ишлаши керак бўлгани ҳолда, бунга ярим ставка ажратилган. Мактаб врачи учун бир ярим ставка ўрнига 0,75 ставка белгиланган. Участка ҳамшираларига ставкаси ҳам шундай ярим-ярим. Оқибатда бу ерда узоқ навбат кутиб туриш ҳолати мавжуд.

Бўлимда норма бўйича 5 та машина бўлиши керак. Амалда битта машина... Телефонлар ишламайди.

(«Мурғак қалбга хиёнат» мақоласидан).

Бундан ташқари бош врач тушунтириш хатида кўпгина врачлар икки-учтадан ҳайфсан олишган, аммо бу билан иш яхшиланмаяпти, деб таъкидлайди.

Л. Федосееванинг аҳволини тушуниш мумкин. Ходимлардан иш талаб қилишдан аввал, уларга етарли шарт-шароитлар ҳозирлаб қўйиш лозим. Бу эса ҳар доим ҳам унинг қўлидан келавермайди. Лекин поликлиникада маъмурият, партия, касаба союз ташкилотларининг бевосита вазифаси бўлган ишлар кўнгилдагидек эмас. Жумладан, коллективда меҳнат интизоми қониқарсиз аҳволда. Биз у ерда бўлганимизда, соат 12 бўлишига қарамай, врач М. Содиқова ишда йўқ эди. Уни уйидан чақиртиришга тўғри келди. Изоҳнинг ҳожати йўқ. Меҳнат интизоми бўш жойда масъулиятсизлик, лоқайдлик, бепарволик илдиз отиши табиий.

Демак, агар мақола автори воқеани чуқурроқ ўрганганида, бошқа педиатр врачлар ҳам ўз участкаларида мунтазам бўлолмасликларини аниқларди. Тажрибали медицина ходимларидан тузилган комиссия хулосасига қараганда, врач М. Муҳамедованинг ишдаги камчиликларини, масъулиятсизлигини таъкидлаш мумкин, бироқ уни гўдакнинг ўлимида айбдор қилиш қийин. Бунинг учун фақат суд-медицина экспертиза хулосаси бўлиши керак.

Муҳамедованинг аризаси редколлегия, редакция бошланғич партия ташкилоти йиғилишларида, область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимида тўрт марта муҳокама қилинди. Бироқ аризачилар бу муҳокама натижаларидан қониқишмади. Нега шундай бўлди? Бунинг сабабини билиш учун ўша протоколлардан айрим парчалар келтирамиз.

1. «Коммунист» газетаси редколлегиясининг 1987 йил 10 декабрдаги мажлиси протоколидан:

«Р. Файзибоева:— Менда мақолани ёзишга асос бўлган барча ҳужжатлар бор. Жумладан, коллективда меҳнат интизоми қониқарсиз аҳволда. Биз у ерда бўлганимизда, соат 12 бўлишига қарамай, врач М. Содиқова ишда йўқ эди. Уни уйидан чақиртиришга тўғри келди. Изоҳнинг ҳожати йўқ. Меҳнат интизоми бўш жойда масъулиятсизлик, лоқайдлик, бепарволик илдиз отиши табиий.

М. Муҳамедовага берилган ишлаб чиқариш характеристикаси ва бошқа зарур ҳужжатлар бўлгач, Муҳамедова билан учрашиш зарурати йўқ деб ҳисобладим.

Мана, қўлимда Ўзбекистон ССРнинг Жиноят кодекси турибди. Унда журналист ёзаётган одами билан албатта учрашиши зарур (?!) дейилмаган. Ҳолбуки, мақола Муҳамедова ҳақида эмас, катта мақоланинг икки абзаци унга бағишланган холос...

М. Муҳамедова: — Бола туғилганда мен отпускада эдим. Шу туфайли уни учмартагини кўрдим. Октябрь ойида ўзим касал бўлиб қолдим. Кўпинча бир ўзим ишлардим. Медсестра беринглар, деб Ольга Ваҳобовнага **(О. В. Юнусметова — педиатрия бўлими бошлиғи)** айтганман. Лекин бермаган. Шу туфайли сентябрда болаларни эмлолмай қолдим. Мен ўзимдан масъулиятни соқит қилмайман. Бироқ газетада тўғрисини ёзиш керак.

Ф. Баҳромова: — Болани поликлиникага олиб чиққанимда, врач Содиқова меринг талабимдан сўнггина уни юзаки кўрди ва бошқа поликлиникага йўлланма берди. **(Шу пайтда поликлиникада қулоқ-томоқ врачи йўқ эди).**

Редколлегия қарор қилади:

1. Газетанинг 1987 йил 2 декабрдаги Рустам Баҳромовнинг ўлими борасидаги чиқиши асосан тўғри деб ҳисобласин.

2. Боланинг ўлимида Ю. Баҳромов: **(марҳум гўдакнинг отаси. Изоҳлар авторники.)** — Мақола тўғри ёзилган. Бошимизга тушган мусибатда ўз вазифасига масъулиятсиз медицина ходимлари айбдор.

Ф. Баҳромова **(гўдакнинг онаси)** — Врач М. Муҳамедова тўрт ой мобайнида атиги бир марта уйимизга келиб боладан хабар олди.

...Редколлегия аъзолари мақола авторининг позициясини тўғри деб баҳолайди, шу билан бирга унинг Муҳамедова билан учрашмай, камчиликка йўл қўйганлигини таъкидлайди».

2. Редколлегиянинг 1987 йил 16 декабрдаги кенгайтирилган мажлиси протоколидан:

«Р. Файзибоева: — Баҳромовларнинг шикояти, медицина-санитария бўлими бош врачининг тушунтириш хати, участка врачи М. Муҳамедованинг қисман айби борлиги тан олинсин.

З. Ф. Муҳамедовнинг **(врачнинг отаси)** обкомга ёзган аризаси асоссиз ҳисоблансин.

4. Мақола авторига материални юзаки тайёрланганлиги кўрсатиб ўтилсин».

3. Редакция партия ташкилотининг 1988 йил 3 февралдаги йиғилиши протоколидан:

«Э. Мадиёров, хатлар бўлими мудири: — Мақола ёзишда мулоҳаза қилинмаяпти. Шошқалоқлик панд беряпти. Танқид қилинаётган киши билан учрашиш зарур эди. Р. Файзибоева горздравни, медсанчасть бош врачини кўпроқ танқид қилиши лозим эди.

М. Норхўжаев, редактор ўринбосари: — Мен горздравнинг редакцияга йўллаган жавобини газетада бериш билан бирга, авторнинг М. Муҳамедова билан учрашганлигини редакция номидан тан олиш маъқул бўларди, деб ўйлайман.

А. Аҳмедов, масъул секретарь: — Ҳар бир эътирозни газетада тан олиш шарт эмас. Бунда бошқалар ҳам яна газетага раддия беришни талаб қилади. Бу— нотўғри (?!).

К. Нишонов, саноат бўлими мудири: — Авторнинг айбланувчи шахс билан учрашмаганлиги чалкашликка олиб келган. Айбни мардоновор тан олишни ўрганишимиз керак. Мен шахсан ўртоқ Файзибоевага «кўрсатиб ўтилсин» деган таклифга қўшилмайман. Балки «огоҳлантирилсин» деган таклифни маъқуллайман. Бундан ташқари газетада тузатиш берилиши керак. Ўз камчилигимизни тан олиш бизни ҳушёрликка ундайди, холос.

Йиғилиш қарор қилади:

а) Авторга йўл қўйилган камчилиги кўрсатиб ўтилсин.

б) Газетада тузатиш берилмасин...»

Тўғрисини айтиш керак. Муҳокамалар ҳар гал бир ёқлама олиб борилди. Чунончи, ҳар учала йиғилишда ҳам фақат М. Муҳамедованинг фаолияти таҳлил қилинди. Баҳолонки, автор таъкидлаганидек, мақоланинг фақат икки абзацигина у ҳақда, қолгани эса М. Содиқова ва бошқалар тўғрисида эди. Муҳокама чоғида редакциянинг айрим ходимлари принципиал позицияда туришди. Афсуски, уларнинг овозини ҳисобга олишмади. Ҳатто редакциянинг ўзида ҳам ягона фикр юритиш, фақат унинг айбинигина исбот қилиш учун турли ҳужжатлар тўплаш, баъзи партия ходимлари ва журналистларнинг носамимий муомилалари уни руҳан чўктирди.

Редакцияда бўлиб ўтган йиғилишларнинг протоколларидан «Коммунист» редакциясига деярли ҳар куни раддия беришни талаб қилиб келишаётганини таъкидлаб ўтди. Қарангки, у бунга яккаю ягона мисол сифатида яна ўша Ф. Муҳамедовни тилга олди. Ана шундан сўнг ота-бола Муҳамедовлар юқори ташкилотларга мурожаат қилишга қарор қилдилар.

П. Волковнинг «Коммунист» редакциясининг танқидий чиқишлари кўп эътирозларга сабабчи бўлаётганлиги борасидаги ташвишлари ўринли. Лекин, раддиячиларнинг кўпайишига ким сабабчи? Наҳотки, уларнинг ҳаммаси туҳматчи бўлишса?

Шу нарса аниқки, Р. Файзибоева мақолани пухта тайёрлаганда ҳеч ким ундан норози бўлмасди. Журналист бировга жиддий айб қўяётганда, у билан шахсан учрашиши, айбини бўйнига қўя билиши лозим. Конкрет шахсга тақалаётган айб ҳам аниқ, исботланган бўлиши керак.

Гўдакнинг ўлимида врач Муҳамедованинг юридик жиҳатдан бевосита айби йўқ. Лекин, у бошқалар сингари бу ҳодисада маънавий жиҳатдан айбдордир. Буни врачнинг ўзи ҳам тан олади, куюнади. Бироқ муҳокама чоғларида бир ёқлама фикр юритиш, фақат унинг айбинигина исбот қилиш учун турли ҳужжатлар тўплаш, баъзи партия ходимлари ва журналистларнинг носамимий муомилалари уни руҳан чўктирди.

Редакцияда бўлиб ўтган йиғилишларнинг протоколларини варақлар эканмиз, айрим журналистларнинг фикрлари бизни ҳам ажаблантирди. Баъзилар журналист этикасига оид қоидаларни Жиноят кодексидан қидиришса, баъзилар ҳар бир эътирозни тан олиш шарт эмас, деб ўйлашади. Ахир, эътироз тўғри бўлса, журналист хатога йўл қўйган бўлса, нега уни тан олмаслик, узр сўрамаслик керак? Газета журналист монополияси эмас, у халқ минбари эканлигини унутиш ярамайди. Агар мана шу хилдаги қолоқ фикрлар, мунозара маданиятига амал қилмаслик ҳоллари бўлмаганда, бу келишмовчиликни биринчи йиғилишдаёқ бартараф этиш мумкин эди.

Область партия комитети ҳам ушбу аризага лоқайд муносабатда бўлди. Обкомга ёзилган ариза редакцияга муҳокама қилинаётганда область партия комитетининг биронта масъул ходими иштирок этмади. Оқибатда шикоят қайта-қайта ёзилаверди, уни текшириш, муҳокама қилиш учун қайта-қайта комиссиялар тузилди. Одамларнинг қимматли вақтлари кетди, қанча асаблар қақшади.

Умуман, «Коммунист» редакциясида кейинги пайтларда анча нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими эса матбуот органининг фаолиятига лоқайд муносабатда бўлаётир. Айрим ҳолларда муайян айби бўлган журналистларни кўр-кўрона қўллашга интилиш сезилади. Чунончи, «Осмонга тупурган Омонов» сарлавҳали нооилиқ фактлар асосида ёзилган фельетон автори ҳам зўр бериб ҳимоя қилинди. Фақат Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аралашгандан сўнггина адолат қарор топди. Ундан кейин ҳам фактларни чуқур текширмай туриб, газетада материал эълон қилиш ҳоллари содир бўлмоқда. Бизнингча, область партия комитети ўз органи фаолиятини қайта қуриш талаблари асосида ташкил этиши учун аллақачон фурсат етди.

— Врачлар хато қилишади-ю, журналистлар хато қилишмайдими? — деб сўрайди М. Муҳамедова.

Афсуски, биз газетачилар ҳам гоҳида хато қиламиз. Медицина ходимларининг бепарволиги сингари бизнинг бепарволигимиз ҳам кимнингдир қалбини жароҳатлайди. Гоҳида врачнинг биргина хатоси инсон ҳаётининг охирги нафасини яқинлаштирса, журналист хатоси уни маънавий жиҳатдан эзиб ташлайди. Буни сиз ўз вужудингизда синаб кўрдингиз. Тилак шу: сиз ҳам, биз ҳам асло хато қилмайлик. Бунга ҳаққимиз йўқ.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.





Суратларда: қовун сайлида.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотолари.

• *Ўлкамиз ноз-неъматлари*

Қовунлар беғубор бўлса...

Кеча республикамиз пойтахтининг Карл Маркс кўчасида ўзига хос байрам бошланди. Бу ер эрта тонгданоқ одамлар билан гавжум бўлди. Кўчанинг икки четига турли-туман полиз маҳсулотлари жойлаштирилди. Улар— серқуёш ўлка полизларида, ширин-шакар қовун-тарвузлар ижодкорлари — халқ селекционерлари етиштирган маҳсулотлар.

— Бу гал қовун сайлида Жиззах ва Сирдарё областларининг деҳқонлари ўз маҳсулотлари билан қатнашишяпти,— дейди Тошкент шаҳар савдо бошқармаси озиқ-овқат бўлими мудири Сайфулла Аъзамов. — Бу икки область вакиллари пойтахтимизга шу кеча-кундузда минг тоннадан ортиқ ширин-шакар маҳсулот келтиришди. Шуниси диққатга сазоворки, қовун-тарвузларнинг сифати мутахассислар томонидан аввалдан текшириб кўрилди. Нитрат миқдори стандарт талабларига мос келган маҳсулотларгина шаҳарга келтирилди. Яна бир янгилик шуки, қовун-тарвузлар сотиладиган жойларда дегустация столлари мавжуд. Шаҳарликлар харид қилган маҳсулотларини шу ернинг ўзида текшириб олишлари мумкин.

Қовун сайли шаҳримизнинг барча районларида ҳам ўтказиляпти. Масалан, Чилонзор районида — метронинг «Чилонзор» станцияси ёнидаги павильонларда, Куйбишев районида— «Саёҳат» меҳмонхонаси ёнида, Фрунзе районида — Тўқимачилар маданият саройи майдонида, Ҳамза районида — Авиасозлар шаҳарчасида ташкил этилган.

Карл Маркс кўчасидаги қовун-тарвузлар сотилаётган расталарни айланамиз. Тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари сифатли ва арзон маҳсулотларни мамнуният билан харид қилмоқдалар. Харидорлар, айниқса, Ильич районидаги Партия XXV съезди номли 4-совхоз-саноат комплексининг Одилжон Содиқов бошлиқ бригадаси далаларида етиштирилган қовунларни кўпроқ сотиб олмоқдалар.

— Бу йил 23 кишилик коллективимиз билан 80 гектар майдонда полиз экинлари етиштирдик,— дейди О. Содиқов. — 10 гектарга қовуннинг «Оқ уруғ» навини, 5 гектарга кечки «Қирқма» навини экдик. Ҳозиргача ҳар гектар майдондан 180 центнердан ҳосил олдик. 65 гектар майдонга экилган «Ўзбекистон», «Қўзивой» тарвузларидан ҳам мўл ҳосил олишни мўлжаллаяпмиз. Биз қовунларнинг ширин-шакар бўлиши учун асосан беда экилган майдонларни танладик. Суғориш режимига амал қилдик. Кам сув қилиб ўстирганимиз, фақат кези келгандагина суғорганимиз, маҳаллий ўғитлар ишлатганимиз фойда берди. Демоқчиманки, полиз экинлари беда билан алмашлаб экилса, яхши самара бераркан.

— Ҳақиқатан ҳам мана шу бригадада етиштирилаётган маҳсулотларнинг харидори кўп, — дейди Куйбишев райпишчеторгига қарашли 75 -магазин директори Бахтиёр Тошкенбоев. — Коллектива етиштирилган қовунлардан сайилга 20 тоннадан ортиқ келтирилган эди. Ҳозиргача уларнинг қарийб ҳаммаси сотилиб бўлди. Харидорлар бу маҳсулотларни тезда олмоқдалар.

Биз қовун сайлида ана шундай дил сўзларини кўпчиликдан эшитдик. Улар полизкорларнинг ажойиб маҳсулотларини эътироф этмоқдалар, яхши анъанани давом эттириш юзасидан таклифлар билдирмоқдалар.

Ш. МИРҲАБИБОВ.

ВАТАН ФАРЗАНДЛАРИНИ КУТИБ ОЛМОҚДА

ТЕРМИЗ, 12 август. (ЎзТАГ). Совет Иттифоқининг Термиз шаҳри билан Афғонистоннинг Хайратон шаҳрини бирлаштириб, Амударё устига қурилган кўприк икки мамлакат дўстлигининг рамзи бўлиб қолди. Бу кўприк Афғонистоннинг қонуний ҳукуматига интернационал ёрдам кўрсатганидан кейин ана шу дўст мамлакатдан қайтиб келаётган жангчиларимиз кутиб олинган жой сифатида ҳам тарихга киради. Бугун ҳам эрталабдан бошлаб кўприк атрофи ниҳоятда гавжум бўлди: навбатдаги бўлинмани кутиб олиш учун бу ерга шаҳар аҳли, Сурхондарё областининг раҳбарлари, Улуғ Ватан уруши ветеранлари, маданият арбоблари, афғонистонлик меҳмонлар, неча ўнлаб совет ва чет эл журналистлари йиғилдилар.

....Гарчи одат бўлиб қолган бўлса ҳам, аммо илгаригидек, ҳаяжонга солувчи дақиқалар келди — кўприк устида биринчи машина пайдо бўлади. Ҳарбий қисм Қундуздан қайтиб келмоқда. Ушбу қисм совет қўшинлари чекланган контингенти составида биринчилар қатори революцион Афғонистонга ёрдамга келган эди. Полк жангчилари шонли жасоратлар кўрсатишди, тинч аҳолига ёрдам беришди. Энди ликда эса улар зиммаларидаги вазифани адо этиб, она юртларига қайтиб келмоқдалар.

Дийдор кўришув қувончлари... Сурхондарё область партия комитетининг иккинчи секретари Г. П. Стешенко интернационалист-жангчиларнинг қайтиб келишига бағишланган тантанали митингни очади.

Кичик сержант Т. А. Жангелдиев қайтиб келган аскарлар номидан гапирди. У Ватанимиз сарҳадларидаги наридаги машаққатли ва хавфли хизмат чоғида жангчиларга ҳамиша ғамхўрлик ва диққат-эътибор қилганликлари учун партияга, Совет давлатига миннатдорчилик билдирди. Интернационалист жангчининг онаси О. Қўчқорова қайтиб келган солдатларга қарата юрак сўзларини айтди.

АҲДП Балҳ вилояти комитетининг биринчи секретари Муҳаммад Шариф ўз нутқида афғон халқ армиясига Савр инқилоби ғалабаларини ўқув билан ва мардона ҳимоя қилишда ёрдам берган совет жангчиларига афғон халқи номидан миннатдорчилик изҳор этди.

Митингда АҲДП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, АҲДП Марказий Комитети секретари Х. М. Масуд, Балҳ вилояти қарандой кучлари қўмондони генерал-майор Жилоний қатнашдилар.

Қайтиб келган қисм жангчилари бироз дам олишганидан кейин ўзлари доимо турадиган жойга жўнаб кетдилар.

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ КЎРГАЗМАСИ

Владивосток. Бу ерда очилган кўргазма Ўзбекистоннинг манзарали-амалий санъати билан таништиради. Экспозиция ўз ижодида қадимги анъаналарни давом эттираётган усталар ясаган 200 дан ортиқ буюмдан иборат. Чиройли гул солинган сопол идишлар ва хумчалардан кўз узиб бўлмайди. Кўргазмага келган кишилар Марғилон тўқимачиларининг шойи газламаларини, тошкентлик, хоразмлик ва қўқонлик усталарнинг ёғоч ўймакорлиги асарларини, нозик тақинчоқларни беришиб томоша қилмоқдалар. Миллий кийим намуналари алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

(ТАСС).

Редактор ўринбосари Т. НАЖМИДДИНОВ.

АТТЕСТАЦИЯ

Тез-тез жиринглаб турган телефон трубкасини мамнун қўйиб ўтирган партком Парфиев бу галги қўнғироқдан кейин кутилмаганда қаттиқ ўйланиб қолди. Жума куни аттестация дейишди. Бугун сешанба. Икки кун қолибди. Бир ой ҳам у ёқдан бу ёққа қарагунча ўтиб кетибди-да. Биринчи бўлиб ўтадиганлар аниқми, огоҳлантирилганми, деб алоҳида сўрашди. Уччаласига ҳам ўз вақтида айтганман. Аттестациядан ўтувчилар рўйхати, аллақачон осиғлиқ турибди. Нималарга эътибор беришни ҳам уқтирганман. Лекин... барибир ишониб бўлмайди. Шермат ака майли-ку-я, колхозда қарийб эллик йил ишлаган, уруш ва меҳнат ветерани, шуларни ҳисобга олишар. Аммо икки ёшроғидан қўрқаман. Саводдан «с» ҳарфи ҳам йўқ уларда. Биронтасининг қўлида газета, журнал ёки китоб кўрмаганман.

Лекин биронтаси ҳам йиқилмаслиги керак. Айниқса, Салимжон. Отаси қадрдоним. Нима қилиш керак? Парфиев узоқ ўйлади. Кутилмаганда «Топдим!»,— деб ўрнидан туриб кетди. — Топдим! Комиссияни чалғитиш керак. Масалан, аттестация бошланиши олдидан клуб мудири Салимжон Қўчқоровни порахўр раиси танқид қилиб район газетасига мақола ёзган, кейин қувғин қилинган штатсиз мухбир, деб таништираман. Экспедитор Ҳафизжон Тўраев тўғрисида эса узоқ йиллар раисга шофер бўлиб хизмат қилган, судда худди шу одам жуда кўп айбларни очиб ташлади, жиноятчининг жирканч ахлоқи ҳақида ҳам кўп нарсаларни билади, курортларда ҳамма вақт бирга бўлган, дейман. Буларни эшитгач, комиссия аъзолари шубҳасиз, қизиқиб қолишади. Савол бериш у ёқда турсин, қаерда, нима мақсадда ўтиришганини ҳам унутишади. Қани, саргузаштларингиздан гапиринг-чи, деб туриб олишади. Иккови бир ярим соатдан ҳикоя қилишса — армон йўқ! Вақт ҳам кеч бўлиб қолади. Қарабсизки, чарчаган комиссия аъзолари соатларига қараганларича беихтиёр иродангизга офарин, ишингизга муваффақият тилаймиз», дейди. Бу — аттестациядан ўтдингиз, дегани!

Парфиев шу хаёллар билан ташқарига чиқди. Қараса, кутганларининг уччаласи ҳам скамейкада ўтирибди.

— Киравермайсизларми, — деди уларни ичкарига бошлаб Парфиев. — Сизларни ўйлаб бошим қотиб кетди-ку! Тайёрмисизлар? Икки кун қолди. Обрўли комиссия келади. Уялиб қолмайманми?

— Тўғриси, Толибжон ака, ўқиш, китоб варақлаш биз учун бефойда экан. Қанча уринсак ҳам каллага ҳеч нарса кирмади. Ишимиздан сўрашса бир амаллармиз.

— Ишларингиз мутахассисликларингизга тўғри келмайди-ку, дейишса-чи?

— ...

— Биласизларми, сизларга комиссия умуман савол бериб улгурмаслиги керак.

— Нима деяпсиз, Толибжон ака? Саволсиз аттестация ҳам бўладими?

— Бўлиши мумкин.

— Ёпирай! — Қўчқоров билан Тўраевнинг кўзи қинидан чиқиб кетаёзди. — Бўлмасам, бизларни шундайига тўғриланг.

— Менку тўғрилайман. Лекин сизларга ҳам баъзи нарсалар боғлиқ.

— Нималар экан? Агар қўлимиздан келса...

Икки кундан кейин колхозга аттестация комиссияси келди. У қўшни районлик икки пенсионер-ветеран, райкомга яқинда ишга келган ёш инструктор ва шу ерлик, хўжаликда узоқ йиллар бригадир бўлиб ишлаган Мардон отадан иборат эди.

«Сценарий» бўйича Парфиев аттестация бошланиши олдидан айтадиган «изоҳи»ни айтди, яхшилаб «ўқилган» ота уни қўллаб-қувватлаб турди.

— Шунақами?! Қани ўша Ҳафизжон? Тез чақиринг!

— Йўқ, олдин Салимжондан эшитайлик...

Иш кўнгилдагидек, худди хамиридан қил суғиргандек кечди.

— Вақт ҳам бориб қолибди-ку, — деди комиссия раиси Тўраевга муваффақият тилар экан, — ўртоқ Парфиев, учинчи одамингизни чақиринг.

Қарашса, Самадов йўқ, келмапти. Суриштиришса, секретарга касалман, деб телефон қилган экан.

— Нима қиламиз, иккита одам билан кифояланиб кетаверамизми? — деди комиссия раиси.

— Менда битта таклиф бор, — деди райком инструктори. — Партком ҳам рўйхат бўйича аттестациядан ўтиши керак. Қачон ўтаман деб кутиб юрадими? Бугун таклиф қилақолайлик. Барибир эмасми. Унинг кунида Самадовни чақирамиз. Унгача тузалиб қолар.

Таклиф бошқаларга ҳам маъқул бўлди.

— Ўзингиз нима дейсиз, ўртоқ Парфиев?

— Нима дердим. Партком-миз. Тайёрман деймизда.

— Унда бошладик, — деди инструктор. — Вақт кетяпти.

«Саргузашт ҳикоялар» тинглаб, жавобларга чанқаб турган комиссия аъзолари саволларни ёғдириб кетишди:

— Биринчи савол: қандай газета-журналларга обунасиз?

— Ҳаммасидан ўқиб турамиз.

— Ўқишингизни биламиз, конкрет айтингчи, қандай газета-журналларга ёзилгансиз?

— Тўғриси, биронтасига ҳам ёзилмаганман. Лекин колхоз почтасига кириб, канда қилмай ўқиб бораман.

— Колхоз кутубхонаси нега ишламайди?

— Менгача ҳам ишламаган, эшигида доим қулф осиғлиқ турган. Ишни шу кутубхонани очишдан бошламоқчиман.

— Партком бўлиб ишлаётганингизга қанча вақт бўлди?

— Кўпмас, олти ой.

— Колхоз медпунктида врач ҳам борми, ёки ҳаммаси фельдшерми?

— Ҳаммаси медиклиги аниқ.

— Коммунистларингиз орасида хотин-қизлардан бирор киши ҳам йўқ-ку?

— Ўзлари ариза беришмайди.

— Яқин икки ой ичида биронта коммунистнинг ҳисоботини эшитиб кўрдингизми?

— Ҳар куни раиснинг қабулида разбор бўлади. Коммунист бригадирлар, ферма мудирлари деярли ҳар куни ҳисоб беришади...

— Бўлди, тушунарли, ўртоқлар, — деди комиссия раиси. — Ўртоқ Парфиев, икки коммунистингизни аттестациядан ўтганлиги билан қутлаган эдик. Афсуски, сизнинг ўзингизни табриклай олмаймиз. —У яна ҳамроҳларига юзланди:

— Кетдик!

— Менинг ишим нима бўлади? — Парфиев қотиб турган жойида сўради. — Балки, рўйхатда белгиланган кунда ҳал бўлар?

— Йўқ, сизнинг ишингиз энди коммунистлар йиғилишида ҳал бўлади.

Юсуф БЕРДИЕВ.

• *Ҳажв бурчаги*

ТВ: ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА: ТВ

15 август, душанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Гражданлик даъвоси». Бадиий фильм. 1-серия. 10.10 — Цирк артистлари Ермолаевлар. 10.55 — Янгиликлар. 11.00 — Футбол шарҳи. 16.00 — Янгиликлар. 16.15 — Қайта қуриш прожектори. 16.25 — Беш йиллик: ишлар ва одамлар. 16.55 — Мен, сен ва биз ҳаммамиз биргаликда. 17.40 — Ҳиндистоннинг миллий байрами — Мустақиллик кунига. 18.10 — Ийл фасллари. 19.10 — Футбол шарҳи. 19.40 — Хайр, Кобул. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Елена Образцованинг муҳаббати ва азобуқубатлари. 00.05 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Вальс билан учрашув. 10.05 —Уст-юрт платосининг сири. 10.25 — Рус тили. 10.55 — Мультфильмлар. 11.30 — «Езда Катя билан». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 12.25 — Ҳужжатли фильм. 13.05 — «Семен Дежнев». Бадиий фильм. 14.20 — Янгиликлар. 14.30—«Оловли йўллар». Бадиий фильм. 13-серия. 16.00 — Кочетав тароналари. 18.35 — Янгиликлар. 18.40 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 19.40 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Волейбол. Халқаро турнир. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Жонли планета. 23.10 — Янгиликлар. 23.15 — Тонгги почта.

УзТВ-I. 15.05 — Камчатка вулқонлари. 15.35 — Қўшиқ қўшиққа улансин. 16.30 — «Николай Бауман». Бадиий фильм. 18.10 — Болалар учун фильм. 19.00 — Бойчечак. 19.30 — А. Обиджон. «Менинг учун орзудир бари». 20.00 — Ахборот. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Рақслар гулдастаси. 21.15 — Долзарб интервью. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси белгилаб берган йўлдан.

УзТВ-II. 19.35 — «Кобра операцияси». Бадиий фильм. 21.00 — Кескин танқид остида. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Телевизион викторина.

16 август, сешанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Гражданлик даъвоси». Бадиий фильм, 2-серия. 10.10 — Қувноқ стартлар. 10.50 — Янгиликлар. 11.00 — Термалар. 16.00 — Янгиликлар. 16.15 — Қайта қуриш прожектори. 16.25 — Карелия телевидение студиясининг программаси. 17.25 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 17.55 —Мультфильм. 18.15 — Халқаро фольклор фестивали. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Адабий-бадиий видеоканал. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Адабий-бадиий видеоканалнинг давоми. Танаффусда дунё воқеалари. 00.50 — Шахмат. СССР чемпионати.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Мультфильмлар. 9.50— Рақс композицияларини Дурга Лал группаси ижро этади. 10.30 — Илмий-оммабоп фильм. 10.50 — Франсуз тили. 11.20— «Езда Катя билан». Бадиий фильм. 3-, 4-, 5-сериялар. 12.35 — Француз тили. 13.05 — «Аср пойгаси». Бадиий фильм. 14.35 — Ҳужжатли фильмлар. 15.10 — Янгиликлар. 15.20 — «Оловли йўллар». Бадиий фильм. 14-серия. 16.35 — Ўтган йилларнинг севимли тароналари. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Музикали киоск. 19.15 — Ритмик гимнастика. 19.45 — Халқаро панорама. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Бир доктор яшаган экан». Бадиий фильм. 23.40 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 15.30 — «Золушка». Спектакль. 17.00 — Ҳужжатли фильмлар. 18.10 — «Эҳ, ковбойлар!». Бадиий фильм. 19.15 — Тилга эътибор... 20.00 — Ахборот. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.45 — Здоровье. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Музикали учрашувлар. 23.45 — Бугун оламда нима гап?

УзТВ-II. 19.40—«Бахтли бўлишни истасанг». Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Музикали учрашувлар. 23.45 — Бугун оламда нима гап?

УзТВ-II. 19.40—«Бахтли бўлишни истасанг». Бадиий фильм. 20.50 — «Абитуриент—88». **Душанба.** 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси белгилаб берган йўлдан.

УзТВ-II. 19.35 — Цирк программаси. 20.15 — Шаҳар юмушлари ва муаммолари. **Душанба.** 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Қирол Стахнинг ёввойи ови». Бадиий фильм. 2-серия.

17 август, чоршанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 9.35 — «Опа-сингиллар». Бадиий фильм. 10.20 — Концерт. 10.45 — Янгиликлар. 10.55 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 15.55 — Янгиликлар. 16.05 — Қайта қуриш прожектори. 16.15 — Болалар учун бадиий фильм. 17.25 — Фалсафий суҳбатлар. 18.25 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.10 — Дунё воқеалари. 19.30 — Халқаро фольклор фестивалининг ёпилиши. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Ҳужжатли фильм. 23.05 — Дунё воқеалари. 23.15 — Морис Бежар хореографияси.

МТ-II. 14.40 — «Оловли йўллар». Бадиий фильм. 15-серия. 15.55 — Эркин, янги оилада. 16.35 — Қишлоқ янгиликлари. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Ватан меҳри. 19.05 — Ҳужжатли фильмлар. 19.50 — П. И. Чайковский номли халқаро конкурс лауреатлари. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 21.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Кора холли лайлак». Бадиий фильм. 23.50 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 15.05 — Нижегород созандалари. 15.35 — Ҳужжатли фильмлар. 16.30 — «Биз буни ўтмаганмиз». Бадиий фильм. 18.10 — Болалар учун фильмлар. 18.45 — Тенгдошлар. 19.30 — Алиевлар қрим татар оилавий ансамблининг концерти. 20.00 — Ахборот. 20.15 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 22.15 — Долзарб интервью. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси белгилаб берган йўлдан.

УзТВ-II. 19.35 — Цирк программаси. 20.15 — Шаҳар юмушлари ва муаммолари. **Душанба.** 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси белгилаб берган йўлдан.

УзТВ-II. 19.35 — «Кобра операцияси». Бадиий фильм. 21.00 — Кескин танқид остида. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Телевизион викторина.

18 август, пайшанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Елена Образцованинг муҳаббати ва азоб-уқубатлари. 10.55 — Янгиликлар. 11.05 — Саёҳатчилар клуби. 16.00 — Янгиликлар. 16.20 — Салом, музика. 17.05 — Баскетбол шарҳи. 17.45 — Музқкали хазина. 18.45 — Фан: назария, тажриба, практика. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Катталар учун мультфильм. 19.45 — Фидойи шахслар. 20.30 — Қандай яшаяпсан, театр. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Талваса». Бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Серқуёш Тожикистон оҳанглари. 9.50 — Илмий-оммабоп фильм. 10.10 — Испан тили. 10.40 — «Кулоллар даврасн». Бадиий фильм. 12.15 — Испан тили. 12.45 — Ўсмирлар учун музикали программа. 14.30 — Ҳужжатли фильм. 14.55 — Янгиликлар. 15.05 — «Оловли йўллар». Бадиий фильм. 16-серия. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Ҳужжатли фильм. 19.10 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 20.00 —Ритмик гимнастика. 20.30 — Хайрли, тун, кичкинтойлар! 20.45 — Очиқ рояль. 21.20 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Сопот — 88».

УзТВ-I. 15.05 — Болалар учун фильм. 15.35 — Қўшиқларим сенга, Ватаним. 16.40— «Аҳмад қаерда». Кинокомедия. 18.10 — Мультфильм. 18.20 — «Чичерин». Бадиий фильм. 1-серия. 19.30 — Ўзбекистон — Ноқоратупроққа. 20.00 — Ахборот. 20.20—Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05— Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Дефолиация. 22.45 — Оталар сўзи — ақлнинг кўзи.

УзТВ-II. 19.35 — «Кашф этилмаган ороллар». Бадиий фильм. 20.35 — Реклама. 20.45 —Тошкент боғлари. **Фрунзе.** 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Ҳосил — 88». 22.25 — «Иссиқкўл — 88» республика эстрада телефестивали.

19 август, жума

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Салом, музика! 9.50— Қандай яшаяпсан, театр? 10.50 — Янгиликлар. 11.00 — Будильник. 10.10 —Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.10 —Тонгги почта. 11.40 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 12.40 — Музикали киоск. 13.10 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — Здоровье. 15.00 — Бугун— СССР Ҳаво флоти куни. 15.15 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — Шеърият лаҳзалари. 16.00 — Жонли планета. 16.55 — Халқаро панорама. 17.40 — Мультфильм. 18.25 — «Никоҳ саватидаги бир миллион лира». Бадиий фильм. 20.00 —«Сопот —88». 21.30 — Время. 22.05 — Собиқ Поварскаяда, княгиня Мешчерская ҳузурида. 23.20— «Роталия» халқ рақс ансамбли ижро этади. 23.40 — Нигоҳ.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.40 — Инглиз тили. 10.10 — Мультфильм. 10.25 — Болалар учун фильм. 11.20 — Инглиз тили. 11.50 — «Кўз ёшлар томганда». Бадиий фильм. 13.15 — Барча қўшиқлар биздa меҳмон. 13.45 — Янгиликлар. 13.55 — «Оловли йўллар». Бадиий фильм. 17-серия. 15.10— Халқ куйлари. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Арманистон ССР халқ артисти С. Навасардян чалади. 19.00 — Саёҳатчилар клуби. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45—Спидвей. Жаҳон чемпионати. 21.15 — Ҳужжатли фильм. 21.30—Время. 22.05 —«Қирувчи учувчилар». Бадиий фильм. 23.40—Янгиликлар.

УзТВ-I. 8.30 — «Ассалому алайкум». 10.00 — Илмий-оммабоп фильм. 10.20 — Бирга ликда куйлаймиз. 10.40 — «Қанотлар ҳақида достон». Бадиий фильм. 2-серия. 12.05 — Агар соғлом бўлай десанг. 12.25 — Концерт. 13.05—Қувноқ стартлар. 13.50 — Шахмат мактаби. 14.20 — «Машка». Спектакль. 16.10 — Реклама. 16.20 — Санъат гунчалари. 16.50 — Э. Воҳидов. «Руҳлар исёни». Адабий театр. 19.40— Ахборот. 20.00—Футбол. «Пахтакор» — «Динамо» (Ставрополь). 20.50—Ахборот. 21.10 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Телевизион миниатюралар театри. 23.05 — Ҳужжатли фильм. 23.20 — О. Еқубов. «Улуғбек хазинаси». Видеофильм. 2-серия.

УзТВ-II. Душанба. 19.00 — «Помир» — «Спартак» (Оржоникидзе). 20.45 — Ахбор. 21.00 — Ҳамоҳанглик. 21.30 — Время. 22.05 — Ёш келинкуёвларга маслаҳат. 22.45 — Телефильм.

20 август, шанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Нега ва нима учун? 9.35 — А. Николаев. Фортепьяно триоси. 10.00 — Ҳужжатли фильм. 11.00 — Жаҳон халқларининг ижоди. 11.30 — Социализм мамлакатларида. 12.00 — Уй академияси. 12.30 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 13.30 — Дунё воқеалари. 13.50 — Мультфильм. 14.00 — Шанба— ота-оналар куни. 15.30 — «Снайперлар». Бадиий фильм. 17.05 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 17.35 — Мультфильм. 17.45 — Л. Мартинов. «Ҳаво фрегатлари». 18.15 — П. И. Чайковскийнинг барча симфониялари. 19.20 — Япония турли ўлчовларда. 20.20 —Кино санъати усталари. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Футбол. «Спартак» — «Днепр». 23.55 — В. Соллогуб. «Мушфиқ қалбдан келган фалокат». Спектакль. 00.45 — Янгиликлар.

МТ-II. 8.30 — Гимнастика. 8.45 — Қора денгиз бўйида яшайман. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.40 — Здоровье. 10.30 — Ҳайвонот оламида. 11.35 — Ҳужжатли фильм. 12.05 — Ҳамоҳанглик. 13.45 — Новаторлар ва консерваторлар. 14.30 — Инсон институти. 15.30 — Дунё болалари нима ҳақда куйлашади. 15.55 — Мультфильмлар. 16.15 — Сарчашмалар. 16.45 — Сизнинг фикрингизча. 17.45 — «Кўринмас одам». Бадиий фильм. 2 ва 3-сериялар. 19.05 — 1988 йил қўшиқлари. 17.30 —«Тўғнағич». Спектакль. 18.25 — Мультфильм. 18.35—Фидойи шахслар. 19.10—Ҳаракат хавфсизлиги учун. 19.15 — Телевизион музикали абонемент. 20.30—Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45—Спидвей. Жаҳон чемпионати. 21.15 — Ҳужжатли фильм. 21.30—Время. 22.05 —«Қирувчи учувчилар». Бадиий фильм. 23.40—Янгиликлар.

УзТВ-I. 8.30 — «Ассалому алайкум». 10.00 — Илмий-оммабоп фильм. 10.20 — Бирга ликда куйлаймиз. 10.40 — «Қанотлар ҳақида достон». Бадиий фильм. 2-серия. 12.05 — Агар соғлом бўлай десанг. 12.25 — Концерт. 13.05—Қувноқ стартлар. 13.50 — Шахмат мактаби. 14.20 — «Машка». Спектакль. 16.10 — Реклама. 16.20 — Санъат гунчалари. 16.50 — Э. Воҳидов. «Руҳлар исёни». Адабий театр. 19.40— Ахборот. 20.00—Футбол. «Пахтакор» — «Динамо» (Ставрополь). 20.50—Ахборот. 21.10 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Телевизион миниатюралар театри. 23.05 — Ҳужжатли фильм. 23.20 — О. Еқубов. «Улуғбек хазинаси». Видеофильм. 2-серия.

УзТВ-II. Душанба. 19.00 — «Помир» — «Спартак» (Оржоникидзе). 20.45 — Ахбор. 21.00 — Ҳамоҳанглик. 21.30 — Время. 22.05 — Ёш келинкуёвларга маслаҳат. 22.45 — Телефильм.

21 август, якшанба

МТ-I. 8.30 — Янгиликлар. 8.45 — Ритмик гимнастика. 9.30 — Спортлото. 9.40 — Будильник. 10.10 —Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.10 —Тонгги почта. 11.40 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 12.40 — Музикали киоск. 13.10 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — Здоровье. 15.00 — Бугун— СССР Ҳаво флоти куни. 15.15 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — Шеърият лаҳзалари. 16.00 — Жонли планета. 16.55 — Халқаро панорама. 17.40 — Мультфильм. 18.25 — «Никоҳ саватидаги бир миллион лира». Бадиий фильм. 20.00 —«Сопот —88». 21.30 — Время. 22.05 — «Сопот — 88». 23.45 — Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг.

МТ-II. 8.30 — Зарядкага сафланинг! 8.45 — Звездочка. 9.50 — Сиз яратган бог. 10.20 —Портретлар. 11.20 — Оламга саёҳат. 12.20— Ажойиб кишилар ҳаёти. 12.55—XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. 13.20—Сайланмалар. 14.20 — «Кўринмас одам». Бадиий фильм. 2 ва 3-сериялар. 16.05 — 1988 йил қўшиқлари. 17.30 —«Тўғнағич». Спектакль. 18.25 — Мультфильм. 18.35—Фидойи шахслар. 19.10—Ҳаракат хавфсизлиги учун. 19.15 — Телевизион музикали абонемент. 20.30—Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45—Спидвей. Жаҳон чемпионати. 21.15 — Ҳужжатли фильм. 21.30—Время. 22.05 —«Қирувчи учувчилар». Бадиий фильм. 23.40—Янгиликлар.

УзТВ-I. 8.30 — «Ассалому алайкум». 10.00 — Илмий-оммабоп фильм. 10.20 — Бирга ликда куйлаймиз. 10.40 — «Қанотлар ҳақида достон». Бадиий фильм. 2-серия. 12.05 — Агар соғлом бўлай десанг. 12.25 — Концерт. 13.05—Қувноқ стартлар. 13.50 — Шахмат мактаби. 14.20 — «Машка». Спектакль. 16.10 — Реклама. 16.20 — Санъат гунчалари. 16.50 — Э. Воҳидов. «Руҳлар исёни». Адабий театр. 19.40— Ахборот. 20.00—Футбол. «Пахтакор» — «Динамо» (Ставрополь). 20.50—Ахборот. 21.10 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Телевизион миниатюралар театри. 23.05 — Ҳужжатли фильм. 23.20 — О. Еқубов. «Улуғбек хазинаси». Видеофильм. 2-серия.

УзТВ-II. Душанба. 19.00 — «Помир» — «Спартак» (Оржоникидзе). 20.45 — Ахбор. 21.00 — Ҳамоҳанглик. 21.30 — Время. 22.05 — Ёш келинкуёвларга маслаҳат. 22.45 — Телефильм.

Р. — 14077. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетн нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 186. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 Й 12